



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ


Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 19-oktyabr №44 (4494)

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАРИ

«Ўзэкспомарказ»да 18 октябрь куні Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг қатор вазирлик ва идоралари, компаниялари иштирокида Ўзбекистон – Россия ўртасидаги I ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўз ишини бошлади.



ЎЗА мухбирлари форум иштирокчиларининг айримларидан интервью олди.

Ботир ХҲАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири:

– Ўзбекистон савдо айланмасининг қарийб 18 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2017 йилда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлиги янада кенгайтириш бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон – Россия I ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бунинг самараси бўлиб, унинг тадбирларида Россиянинг турли тармоқлар бўйича 400 дан зиёд йирик компанияси, 17 ҳудуд раҳбарлари иштирок этмоқда. Ўзбекистонда Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу форум мамлакатларимиз компаниялари ўртасидан янгидан-янги шартномалар имзоланишига хизмат қилиб, истиқболда ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади.

Владимир ТЮРДЕНЕВ,
Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги
Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси:

– Кейинги икки йилда мамлакатларимизнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда, иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ишонч бунга катта туртки бермоқда. Ўзбекистон – Россия биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форумида мамлакатимизнинг турли тармоқлар бўйича 400 дан зиёд компаниялари, экспортёр корхоналаридан 1000 дан зиёд вақил иштирок этмоқда, тарихда бунақаси бўлмаган.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Адабиёт, китоб, нафақат, қўнғил тарбиячиси, кенгрок мағнода айтсак, миллият тарбиячиси. У маълум мағнода башарият об-ҳавосини ҳам белгилаб берадиган, инсоният яратган энг буюк мўъжизадир.

Инсон камолоти, бу дунёдаги турфа халқлар ва миллатларнинг ўзаро дўст ва аҳил бўлиб яшашлари билан боғлиқ масалалар азалий ва абадий мавзудир. Инсон камолоти китоб ёрдамида амалга ошади. Негаки, энг эзгу давлатлар, маънавият ва илм дурдоналари, азалий ахлоқий мезонлар, фазилатлар, қарашлар китобларда жо бўлган. Адабий-маънавий китоблар ҳақиқатини инсонни руҳан поклашни ва қалбдан улғайишига хизмат қилган. Азалий ҳикматларда кутубхоналарни йўқ қилган кишига энг катта гуноҳкор, китобхонлиқни тарғиб қилган инсонларга энг мухтарам зотлар сифатида қаралган бежиз эмас. Китобга, адабиётга, ёшлар ўртасида китобхонлиқни ривожлантиришга эътибор, нафақат бир мамлакат, балки инсоният келажатига ҳам эътибордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт ривожини, халқимиз, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш бора-сидаги эзгу ташаббуслари, халқаро масалалар, савдо-иқтисодий муносабатлар қаторида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга бўлаётган юксак эътибори, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги адабий алоқаларини ривожлантиришга, кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, хорижий давлатлар раҳбарлари билан бўладиган олий даражадаги учрашувларда ўша давлатга ёки ўша юртининг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчиларининг китобларини ўзбек тилида нашр этиб, тақдим қилиб бориш бўйича ўзига хос ёндашуви давлатлараро аҳамият касб этмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевга «XXI аср бўсақасида», Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларшега ўзбек ва француз тилларида чоп этилган «Франция Конституцияси»нинг илк нусхасини, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга Абдурахмон Жомийнинг «Муҳаббат маҳзани», Белорус Республикаси Президенти Александр Лукашенкога Якуб Коласнинг «Қадрдон қўшиқлар» китобларини, Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модиға Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилдлик асарлар тўплами тақдим этилиши, ўз навбатида, мазкур мамлакатлар раҳбарларининг бундай эъзоз ва эътиборга кўрсатаётган жавоб ҳаракатлари бу жараённинг халқаро муносабатларда изчил аънава тусини олаётганидан гувоҳлик бериб турибди.

Мамлакатимизда қозоқ халқининг улғу шоири Абай Қўнонбоев, машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ижодий меросини тарғиб қилиш борасидаги қарорлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мазкур адиблар китобларининг чоп этилиши, Тошкентда Якуб Колас ва Махтумқули ёдгорликларининг ўрнатилиши, Абай Қўнонбоев, Александр Пушкин туғилган кунлари муносабати билан ҳайкаллари пойида ўтказилган ижодий тадбирлар чинакам мағнода адабий дўстлик тараннумига айланди.

2

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Шу йил 18 октябрь куні Москвада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон делегацияси таркибида мамлакатимиз парламенти аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат вакиллари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, шунингдек, Россия пойтахтида таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз иштирок этди. Биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилган Ислам Каримов номидаги хиёбонда Россия қонунчилик органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Москва шаҳри жамоатчилиги вакиллари ҳам жам бўлишди. Кўп миллатли халқимиз ва Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга, Москва шаҳри раҳбарияти ва жамоатчилигига Ислам Каримов хотирасига бажо келтирилган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев Москвада Ислам Каримов ҳайкалининг очилиши Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланаятган кунда бўлиб ўтаётгани чуқур рағбатли маънога эга эканини таъкидлади. Бу умумий тарих, муштарак маданият, икки халқни боғлаб турган минглаб қардошлик ришталарига асосланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамлашиб бораётганидан далолат экани қайд этилди.

Ислам Абдуганиевич Каримов ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти билан мустақил Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирди. Ўзбек халқи Биринчи Президентининг ардоқлар, ҳурмат қилар ва у билан фахрланар эди. У барчамиз учун доимо ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишининг ёрқин намунаси бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов ва Россия Президенти Владимир Путиннинг саяё-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Ислам Абдуганиевич Россияга доимо юксак ҳурмат билан муносабатда бўлар, хусусан, унинг таълим соҳасидаги тажрибасини тез-тез тилга олар эди. У Тошкентда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов

номидаги Россия иқтисодиёт университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети сингари Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини очиш ташаббускори бўлган эди.

Ислам Каримов томонидан бошланган эзгу ишлар бугунги кунда изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалардаги ислохотлар янги, юксак босқичда амалга оширилмоқда. Қарийб 900 минг нафар рус миллиятига мансуб Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фидокорона меҳнати учун уларнинг кўпчилиги юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган. Республика рус миллий маданият маркази фаолият юритмоқда. Ўзбекистондаги 800 дан зиёд мактаб ва кўплаб олий ўқув юртларида таълим рус тилида олиб боришмоқда, театрлар фаолият кўрсатмоқда, китоблар, газеталар катта нусхаларда нашр этилмоқда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатишмоқда.

Россия билан ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг саяё-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда.

Ислам Каримовнинг Москвадаги ҳайкали очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққан Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Т.Каримова, Россия Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Н.Фёдоров, Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Г.Карасин, Москва мэри ўринбосари А.Горбенко ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш икки халқ манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва Марказий Осиё минтақасида ҳавфсизлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

ЎЗА

МУБОРАК БЎЛСИН!



Газетамизга кўп йиллар муҳаррирлик қилган таниқли публицист, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида бўлажак касбдошларимизга касб сирларидан сабоқ ҳам беради. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси қошида устоз ташкил этган «Маҳорат мактаби»да 2004 йилдан бери иқтидорли талабалар Аҳмаджон аканининг йиллар давомида тўпланган тажрибаларидан баҳраманд бўладилар. Талабаларнинг энг яхши мақолалари «Журналист» ўқув газетасида ҳамда турли газета-журналларда эълон қилинади. Устоз қаламига мансуб «Қирқ бешинчи бекат», «Хуштакни ким чалади?», «Торнинг чўмичдан фарқи», «Журналистика сабоқлари», «Ризқ дарахти» китоблари талабалар учун қўлланма ҳисобланади.

Яқинда бошланган янги ўқув йили Аҳмаджон ака учун қутлуг келди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги талови тўғрисида»ги Низом асосида ўтказилган республика танловида журналистика факультети «Матбуот назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти Аҳмаджон Мелибоев мутахассислиги бўйича энг яхши педагог номинациясида голиб бўлди.

Ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан самимий муборахбод этамиз.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

УЙҒОНИШ СИМФОНИЯСИ

Қирқ беш йилдан буюн йўлланма. Йўлнинг адоғи қўринмайди. Умр қарвони эса, аста-секин ўтиб бораётди. Асосан «Тошкент-Бухоро» поездида Навоий бекатигача бораман. Бир-икки кунда яна Тошкентни соғиниб қоламан. Яна соғиниб бекатларига ошиқаман...

Баъзан дўстларимга «мен овора, поезди овора», деб ҳазиллашаман. Шўро даври поездларида юрган вақтларимизда биз талабалар ва оддий одамлар учун «общий» (умумий) вагондан чипта тегиши ҳам катта бахт эди. Фақат бу вагонларнинг ўтириб, ётиб кетадиган тахта ўринлари тошдай қаттиқ эди...

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг темирйўллар ҳам, поездлар ҳам, бекатлар ҳам батамом ўзгариб кетди. Биргина Навоий йўналишини оладиган бўлсак, дастлаб қувончли воқеаларга сабаб бўлган – «Тошкент-Бухоро» йўналиши бўйича «Шарқ» теззорар поезди қатнови йўлга қўйилди. Сўнг барча қўлайликларга эга бўлган замонавий «Афросиёб» теззорар поезди қатнай бошлади. Бундай поездлар қатновининг йўлга қўйилаётгани, аввало, халқимиз, қолаверса, хориж-

лик меҳмонлар ва сайёҳлар учун ҳар томонлама қўлай бўлаётди.

Одамлар характерида, турмуш тарзида бўлаётган ижобий ўзгаришлар фақат йўловчилар тинимсиз эмас, балки сўнгги йилларда навоийлик зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар, ёшлар ҳулласи, аҳолининг барча қатламлари ҳаётида ёрқин намоён бўлаётди. Муҳтарам Президентимиз томонидан бошланган барча

соҳалардаги кенг-қўламли ислохотлар мамлакатимиз ақли қаторида навоийликларни ҳам астойдил уйғотиб юборди. Қалби уйғок, тафаккури уйғок, гайрати ва жасорати уйғок халқ ўзининг нури келажagini ўзи яратади. Уни бу мардона йўлдан бирор-бир куч тўхта-толмайди. Уйғоклик зафарларга, ғалабаларга, юрт ва кўнғил ободлигига чорлайди.

– Президентимиз барака топсинлар, дунё тургунча турсинлар, илоҳ, – дейди умри кетмон билан ўтган жалайирлик меҳнат фахрийси Эшмурод бобо Ҳотамов. – Ҳаммага ўз ишини топиб бердилар. Фермерлар далада – ўз юмушлари билан банд. Тадбиркорларнинг қўли-қўлига тегайди. Биттаси иссиқхона қуриб тонна-тонна помидор, бодринг етиштирипти. Биттаси балиқхона очиб, ҳатто қўшни вилоятларга ҳам етказиб берапти. Яна

биттаси пойафзал тикадиган корхона қурибди... Биласизми, ёшим саксонга яқинлашган бўлсам, завқим зўр, гайратим баланд. Ҳалиям танамда бир-икки йигитнинг кучи бор. Зап ишлайдиган, ишлаб бой бўладиган замон келди-да, ука!..

Эшмурод бобонинг гапларида асло муболағаси йўқ. Умри деҳқончилик билан ўтган бу инсоннинг кўзларидаги нури кўриб, жуссасидаги гайратга ҳавас қилса арзийди.

Вилоятнинг қайси тумани, қайси шаҳар, қайси қишлоғига борманг, ҳар қаламда улкан ўзгаришлар, обод манзараларга қўзғинтиз тушади. Бир томонда йирик саноат корхоналари, бир томонда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ҳунармандчилик туркираб ўсиб бораётди. Айни пайтда бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасида 2017-2026 йилларда 27 та лойиҳа амалга оширилиши бўйича тизимли ишлар изчиллик билан бошлаб юборилган. Масалан, комбинат тизимида Аумин-зо-Амантой олтин конлари негизда 5-гидрометаллургия заводи қурилишига тамал тоши қўйилган. Бу корхона вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши. Шунингдек, «Навоийазот» корхонасида қиймати 1,7 миллиард доллар бўлган 3 та лойиҳа босқичма-босқич фойдаланишга топширилади. «Навоий иссиқлик электр станцияси»да лойиҳа қиймати 547,2 миллион долларлик, қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини ҳам топшириш режалаштирилган.

2

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кун кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида кутубхона ўқувчилари томонидан энг кўп ўқиладиган газеталар рейтингига юқори ўринда турган газеталар жамоалари билан муштарийлар учрашуви бўлиб ўтди. Шуниси қувончлики, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мазкур рейтингда учинчи поғонада турибди.

Учрашув давомида газеталар бош муҳаррирлари бугунги кунда матбуотнинг олдида турган долзарб вазифалар ва келгусидаги режалар ҳақида сўз юритдилар. Ўз навбатида газетхонлар томонидан вақтли матбуотни янада халққа яқинроқ ҳамда ўқилиш қилиш борасида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Садқотли муштарийларга китоб ва журналлар совға қилинди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тошкентда ўтган ўзбек адабиёти тарғиботи бағишланган халқаро конференцияда кўпчилик тарихида янги саҳифа очди десак, асло муболаға бўлмайди. Германияда Хельмут Далов томонидан “Бобурнома” немис тилида, Украинада Игорь Шлак томонидан Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони украин тилида, Туркияда Хусейн Байдемир, Маъруфжон Йўлдошев ва Йилмаз Ўзкая томонидан “Мустақиллик даври ўзбек адабиёти” номли ўзбек ёзувчилари ҳикоялари турк тилида китоб ҳолида нашр этилди. Шунингдек, Ўзбекистон-Франция дўстлик жамияти, Франциядаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърятдан қилинган таржима-лар француз мутахассислари таҳрири остида нашрдан чиқарилди.

Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб, амалий ҳаракатларга киришилди. Ҳозирда афғонистонлик олим Абдуллоҳ Рўйин Абулғозиҳоннинг “Шажараи турк” асарини, туркманистонлик Райиммамет Куренов “Бобурнома”, Гумбольдт (Берлин) университети ўқитувчиси Барно Арипова Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини, Живовани университетини профессорни Хендрик Боёшен Рабгузйиннинг “Қисас-ул анбиъ” асарини, АКШлик Кристофер Форт Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романини, арманистонлик Армине Мартirosян Бобур рубоиларини таржима қилмоқда. Шунингдек, хиндистонлик Дев Бхард-важ, молдовалик Вика Чембарцева, болгариялик Мария Филипова ҳам ўзбек адабиёти намуналари таржимаси устида иш олиб бормоқда.

Тошкентда ўтган халқаро конференция доирасида Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон Ёзувчилар уюшмалари раислари Анор муаллим, Улғубек Есдавлат, Низом Қосим билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид ўртасида ҳамкорлик меморандумларининг имзоланиши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси делегацияларининг Қозғистон, Қирғизистон, Белорус, Хиндистон, Россия давлатларида адабий анжуманлар, ижодий мулоқотларда бўлиши ҳам халқаро адабий алоқаларимиз тобора ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Яқинда адабларимизнинг Хиндистон сафари давомида ушбу мамлакат

кутубхоналарида сақланаётган Алишер Навоийнинг милодий 1671 йилда кўчирилган девони, “Бобурнома”нинг форсий нусхаси, Акбаршоҳ томонидан ёздирилган Абдуқодир Бидоюннинг “Тарихи Темурийи” каби асарлари, умуман, ажодларимиз қаламига мансуб тарихимиз, маънавий меросимизга оид 119 та қўлёзма ва китоблардан нусхалар олиб келинди. Бу, ўз навбатида, янги тадқиқот

лакатимизда адабиёт ривожига кўрсатган эътибори тўғрисида меҳмонга батафсил маълумот берилди. А.Ермакова биз билан хайрлашаркан, ҳаяжонларини шундай ифодалади: “Тўғриси, сизларга ҳар томондан ҳавасим келяпти, негадир бу бинодан ҳеч кетгим келмаяпти”. Унинг бу сўзлари ниҳоятда самимий эди. Бироз фурсат ўтиб бунинг исботини биз “Литературная газета”нинг 2018 йил 19-25 сен-

АДАБИЙ ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

ва нашр ишлари учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлар икки давлат раҳбарлари ташаббуси ва сазой-ҳаракати тўғрисида янги босқичда ривожланмоқда. Бу, албатта, адабий алоқаларимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Август ойида Тошкентда ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда Россия Федерациясидаги адабий нашрлар — “Иностранная литература” журнали бош муҳаррири Александр Ливергант, “Литературная газета” бош директори Алексей Шавлов, бош муҳаррир ўринбосари Анастасия Ермакова, “Роман-газета” журнали бош муҳаррири Юрий Козлов иштирок этишди. Бу нашрлар билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрлар — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик” журналлари ўртасида ҳамкорлик меморандумларининг имзоланиши, шеърасиз, адабий алоқаларимиз ривожига хизмат қилмоқда.

Анжуман якунида Россиядаги машҳур “Литературная газета” бош муҳаррири ўринбосари Анастасия Ермакова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, бу ердаги шароит ва имкониятлар, ижодий жараёндар билан яқиндан танишди. Уюшма қошидаги нашрлар вакиллари, русий-забон адабиёти кенгаши аъзолари билан даврда суҳбат ўтқизилди. Суҳбатда давлатимиз раҳбарининг мам-

тябрь сонларида чоп этилган “Цветущая Аллея писателей. О том, как в Узбекистане ценят мастеров слова” номли бир саҳифани эгаллаган таассуротлар баён қилинган мақолада кўрдик. Ҳақиқатда мақола муаллифи “Гуллётган адаблар хиббони”да Ўзбекистонда сўз усталарининг қандай кадр топаётгани ҳақида самимий эътирофларини билдирди: “Мен ижод ахлига қаратаётган бундай эътиборни МДХ давлатлари орасида ҳеч қайси мамлакатда кўрмаганман. Ўйламанки, нафақат биз, москвалик меҳмонлар, балки бошқа мамлакатлардан келган вакиллар ҳам Ўзбекистон Президентининг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилган қарорларини яхши китобдек завқ билан кўз узмадсан ўқишган ва қалбларида ҳавас ва тасанно тўғрисида пайдо бўлган. Бизнинг мураккаб, тижоратини бешиқат кутқуси авж олган давримизда ёзувчи ва бадий сўзнинг даражасини тенглаштириб бўлмайди-ган чўққига кўтарган замондошларимизга тасаннолар бўлсин”.

Шунингдек, “Роман-газета” бош муҳаррири Юрий Козлов “Вечерняя Москва” газетасига берган интервьюсида Ўзбекистонда адабиётга берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини эътироф этади. Мақола “Литература — дело государственное” деб номланган.

Яқинда Россия Федерациясининг Доғистон Республикаси Маданият вазири, Доғистон Ёзувчилар уюшмаси тақлифига биноан Расул Ҳамзатов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган XXXII Халқаро

“Оқ турналар куни” фестивали доирасидаги тадбирларда иштирок этдик. Россия Федерацияси Президенти гранти, “Россия оқ турналар халқ бирлиги” маърифий лойиҳаси бўйича “Кўп тилли Россия шеърятини” руқни асосида турли миллатга мансуб ушбу юрт шoirи ва ёзувчиларининг китоблари чоп этилаётгани барчани қувонтирди.

Шеърят театри”даги “Овул ва бутун жаҳон шоири” мавзусида Россия

рини мамлакатимиз раҳбариятига етказиш имкониятини излаймиз. Сизларга ҳавасимиз келяпти. Яратганнинг меҳрибончилиги ва раҳбариятинингизнинг оқиллиги кўмакдошингиз бўлсин.

Ажралишга кўз қиймасида, Сиз совға қилган тўнни Брянск шаҳридаги адабиёт музейига топширдик. Одамлар халқлар ва маданиятлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳали ҳам давом этиб келаётганини

Тошкентда Сергей Есенин, Сергей Бородин уй-музейлари фаолият кўрсатаётганини, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергнинг 80 йиллигига тайёрларик кўрилаётгани, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги русий-забон адабиёт кенгаши, “Ўзбекистон-Россия” дўстлик жамияти, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлиги билан боғлиқ фаолиятга ҳам алоҳида тўқналиб ўтиш ўринлидир.

Июнь ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси билан ҳамкорликда улуг рус шоири Пушкин таваллудининг 219 йиллиги муносабати билан шоир ҳайкали қад ростлаган сўлим хиббонда бўлиб ўтган анжумани эслаб ўтиш жоиз. Куни кеча эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Россия элчихонаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази ҳамкорлигида рус адабиётининг улуг намоёнаси, Нобель мукофоти совриндори Иван Буниннинг ўзбек тилида чоп этилган “Тийрамоҳ” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, адабий дўстлик абадий дўстлик сари йўл очади, мавжуд йўлларни мустаҳкамлайди, дилларни дилларга боғлайди. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисmini ташкил этадиган ёшларни гуманистик гоғлар руҳида тарбиялашда бадий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қанчонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”.

Куни кеча Россиядаги таниқли шоир ва таржимон Юрий Шчербеков Алишер Навоийнинг рус тилига қилинган янги таржималарини жўнатибди. Ҳозир улар “Звезда Востока” журналида чоп этиш учун тайёрланмоқда.

Буларнинг барчасига Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарларининг ўзаро хурмат ва юксак ишонч асосида олиб бораётган дўстона алоқалари мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Адабиёт қалбларини қалбларга, элларни элларга боғлайди. Эътироф этилганидек, адабий дўстлик абадий дўстлик учун замин бўлиб хизмат қилиши бугунги кунда ҳаётимизда яна бир қарра ўз исботини топмоқда.

Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг биринчи ўринбосари

САФАР ДУРДОНАЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яна бир ибрат олса арзигули факт: вилоятда қисқа муддатда қиймати 3,5 миллиард сўмлик учта “Китоблар олами” савдо мажмуаси курилиб, фойдаланишга топширилгани кутубхоналар сафининг янада кўпайиши билан бирга, ёшларнинг маънавий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам вилоят ёшлари орасида голиб китобхоналар сафи йил сайин ошиб борапти. Кармана тумани 4-умумтаълим ўрта мактабининг 8-синф ўқувчиси Иброҳимжон Гафоровнинг Алишер Навоий асарлари бўйича ўтказилган китобхонлик танловида голиб бўлиб, Президентимиз совғаси — “Спарк” автомашинаси билан тақдирлангани бунга ёрқин мисол бўлади.

Навоий шаҳрида “Эшмурод Дента шифо” МЧЖнинг очилишида қатнашдик. Ушбу кенг тармоқли шифо маканида 18 та жарроҳлик, 2 та жонлантириш, 6 та даволаш хоналари мавжуд. Шунингдек, 6 нафар олий тоифали стоматолог ишлайдиган бўлим ҳам бор. Клиникага АКШ ва Германиядан 225 минг долларлик энг сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари олиб келинган.

Вилоятнинг 17 та қишлоғида “Обод қишлоқ” дастури бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Дастур бўйича эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Зарафшон шаҳрида фавворалар хиббонининг бунёд этилгани қончилик ва металлургия ходимлари учун муносиб совға бўлди. Ушбу гўзал маскан 3,6 гектар майдонни эгаллаган, унда 450 тул арча, 150 та турли хил манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди.

Қизилтепа, Нуротада, Томдида, Зарафшон ва Хатирчида бўлган киши чинакам ўзгаришларни кўриб қувончлар огушида қолади. Вилоятга ҳар сафар борганимизда барча соҳаларда бўлаётган улкан ўзгаришлар жараёнини жозибдор ва юқори ноталарда ижро этиш учун ёзилган симфонияга қийслагим келди.

Она-юрт ободлиги, эл фаровонлиги ва нузли келажакни яратиш учун бўлаётган улкан ислохотлар йўлидаги уйғониш симфонияси муборак бўлсин, азиз навоийликлар!

Бу мардлик ва матонат симфонияси сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

“АҚЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ”

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган II аънавий халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари бу гал ҳам Навоий шаҳрида йиғилдилар. Анжуманда таниқли навоийшунос олимлар ва ижодкорлар билан бирга дунёнинг йигирмага яқин хорижий давлатларидан келган олимлар қатнашди. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашариат маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусида ўтказилган конференция иштирокчиларини вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов табриқлаб, жумладан, шундай деди: “Мухтарам Президентимизнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан икки йилдан буён Алишер Навоийнинг муборак номи билан аталувчи вилоятимизда буюк мутафаккир шоирнинг 9 февраль — таваллуд айёмида аънавий тарзда халқаро конференция мунтазам ўтказиб келинаётгани барчамизга юксак гурур ва ифтихор бағишлайди.”


Конференцияда иштирок этган хорижлик меҳмонлар, аввало, юртимизда содир бўлаётган улкан ислохотларга юксак баҳо бердилар. Алишер Навоий ижоди ҳамма замонларда ниҳоятда долзарблиги, шоирнинг умуминсоний гоғларини ҳамон яшаб келаётганини қайта-қайта таъкидладди.

— Ҳазрат Алишер Навоий асарларида инсонни қимматли, жамиятни мукамал қўриш орузи бетақдор бадий талқин этилгани билан ҳам барча замонлар учун бирдай юксак аҳамиятга эгадир, — дейди филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов.

— Бу анжуманинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Масалан, шоирнинг “Сади Искандарий” достонида шундай ўтли сатрлар бор:

**Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил...**

Бугун биз Навоий авлодлари ақлимиз, истеъдодимиз, салоҳиятимиз билан “олам юзини обод қил”ишга астойдил киришганмиз. Бу йўлда Алишер Навоий бобомизнинг руҳлари ҳамиша мададкордир. У кишининг ўлмас меросидан қуч-қувват, маънавий мадад оламиз, — дейди ҳамкасбим, вилоят ҳокимининг матбуот котиби Отабек Аслонов.



НУРОТА МЎЪЖИЗАЛАРИ

Бу сафар йўлимиз қадим ва навқирон Нуротага тушди. Бу ерда ўтказилган “Нурли навоилар” Халқаро фольклор фестивалининг садолари ҳамон юракларда акс-садо бериб турибди.

Фестивалда республикамизнинг барча вилоятларидан келган фольклор-этнографик ансамбллар билан бирга Қозғистон, Тожикистон, Афғонистондан келган ижодий жамоалар ҳам фаол қатнашди, ўз халқлари фольклор санъатини намойиш этдилар. Айниқса, Термиз давлат университетидида таълим олаётган афғонистонлик ўзбек талабаларининг фольклор ансамбли чиқишлари — улар ижро этган нафис рақслар, ширали овозда қуйланган нозик қочиримли ашуларлар муҳлислар қалбидан жой олди. Нуротанинг “Нуржаҳон”, Кармананинг “Кармана юлдузлари” фольклор-этнографик халқ ансамбллариинг чиқишлари ҳам фестивал қат-

нашчиларига жуда манзур бўлди.

— Бундай ўзига хос фестиваллар халқимизга юксак маънавий озук беради, унинг гурурини юксалтиради, урф-одатлар ва аъналаримиз умрбоқийлигига пойдевор яратади, — дейди таниқли шоир Одил Ҳотам. — Ҳар бир қишлоқ ва маҳалланинг ўзига хос куй-қўшиқлари бор. Ана шу дурдоналар йиғилиб, фольклор уммонини ташкил қилади.

Фестивалда “Мейрас”, “Сайқал”, “Қасри Орифон”, “Ойпар”, “Уйчи тонги”, “Беҳарсарак”, “Сайхун йигитлари”, “Бойсун”, “Қурама” сингари бадий жамоаларнинг чиқишларини томошабинлар олқишлар билан қутиб олдилар. Айниқса, Хоразмнинг “Оразини” ансамбли қадим фольклор ўйинлари ва қўшиқларидан иборат дастурини намойиш этганда бутун шаҳар гулдорос қарсақлар остида қолди.

Шу кўни навоийлик хунармандларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Ҳозир вилоят хунармандлари ўттиздан ортиқ соҳа бўйича қизгин фаолият юритишмоқда, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Жамшид Жумаев. — Фестивалда иштирок этган хорижлик меҳмонларга ҳам хунармандларимиз томонидан яратилган махсулотлар, буюмлар манзур бўлди. Хунармандчилик ва фольклор бир-бирига жуда яқин соҳалар. Бири буюмини ясаб кўрсатса, иккинчиси ижро орқали намён қилади.

Фестивалда Навоий вилоятининг 50 дан ортиқ халқ бадий ансамбллари қатнашганлиги таҳсинга сазовор. Айниқса, ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, афғон тилларида янграган қўшиқлар дилларни дилларга боғлаш билан бирга, миллатлараро дўстликнинг юксак намунаси бўлди.

Сафаримиз якунида Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган ижодий учрашув улуг адиб Абдулла Қаҳҳор таваллуд кунига бағишланди. Ўша кундан буён устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу ҳаётий фикрлари ёдимдан кетмайди: “Дарахтни ундирадиган, ўстирадиган ва мевасини лазиз қиладиган қуёш, ер ва сув бўлса, бадий маҳоратни ундирадиган ва ўстирадиган, самарасини жозибали қиладиган халқ ҳаётидан олинган илҳомдир.”

Яна йўлдаман. Гоҳ Тошкент, гоҳ Навоий соғинчи қорлайди. Аслида бу она-юртим соғинчи, ватандошларим соғинчи. Ҳаммамизни ана шу буюк соғинчдан, устоз айтган илҳомдан айирмасин.

Ашурали ЖЎРАЕВ

21 октябрь — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кун

ТИЛ — ЭЛ, МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан буён ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунда белгиланган нормаларни амалга ошириш борасида кўп сазой-ҳаракатлар қилинди. Шу билан бир қаторда ҳали олдимизда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам анчагина. Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида сўз дурга қийсланади. Демак, дуру гавҳарни асл маъно-моҳиятига етиб ишлатиш жуда муҳим. Демокчимизки, она тилимиздаги дурдона сўзларни тўғри қўллаш, адабий тилда сўзлашиш, ёзиш учун изоҳли луғатлардан фойдаланиш зарурлигини ёш авлодга ўргатишимиз, керак бўлса, доим эслатиб туришимиз зарур.

Сўнгги пайтларда кўп ишлатиладиган айрим сўзларимиз шевада фаол қўлланилиши адабий тилимизга путур етказмоқда, сўзлар мазмун-моҳияти ҳам ўзгариб кетмоқда. Шева сўзлари адабий тил нормаларига зид келмаслиги лозим.

Масалан, “керак” сўзи — “кере” шаклида айтилиши хунук эшитилади. “Айтдим” сўзи — “этдим” шаклида қўлланилмоқда. Ваҳоланки, адабий тилимизда “этдим” — бажардим, қилдим, деган маъноларни англатади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзусидаги баъзи мақолаларда шундай бўёшуси ибора қўлланилмоқда: “Жиноятчининг иссиқ изидан...”. Бу нима дегани? Жиноятчининг ҳам изи “иссиқ” бўлар эканми? Айтилик, “жиноятчининг изи ўчмасдан...” дейилса мантқан тўғри бўлади. Афсуски, юқоридаги каби “бир қайнови ичида”ги сўз ва ибора-лар телекўрсатув ва радиоэшитиришларда ҳам бот-бот такрорланаётир. Бу борада тақлимимиз шуки, Республика Тил комиссияси ёки Атамалар қўмитаси ташкил этилиши ва унинг фаолияти жиддий йўлга қўйилиши мақсага мувофиқдир.

Давоми олтинчи саҳифада.

Бугунги глобллашув шароитида ҳар бир миллий адабиёт ўзини жаҳон сўз санъатининг ажралмас қисми сифатида тобора тегнароқ аниқлаётган. Айни чоғда, ҳеч бир халқнинг бадиий тафаккури ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожлана олмаслиги янада аёнлашиб бормоқда. ХХI юз йилликда бадиий таржиманинг роли ортаёвгани ҳам, аввало, ана шу омиллар билан изоҳланса, ажаб эмас. Зеро, бадиий таржима, бир томондан, миллий адабиётларни жаҳон сўз санъати тажрибаси билан бойитса, бошқа томондан, жаҳон сўз санъатини миллий адабиётларнинг изланишлари билан тўлдирди. Бундай ўзаро алоқа ва таъсир туфайли ҳам жаҳон адабиёти, ҳам миллий адабиётлар уйғун ривожланиши таъминланади.

Жорий йилнинг 7-8 август кунлари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция ана шундай олижаноб мақсадни кўзда тутган эди. Мазкур анжумандан сўнг юртимизда бадиий таржима соҳасида сезиларли жонланган шў берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида Бадиий таржима кенгаши иш бошлагани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Ушбу кенгаш бадиий таржимачиликни янги босқичга кўтаришда асосий жиҳлатирувчи куч бўлади, деб умид қиламиз. Қуйида таниқли адиб, олим Улуғбек Ҳамдамнинг бадиий таржима санъати ва муаммоларига доир мақоласи эътиборингизга ҳавола этилаётган.

Таҳририят

Ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқадиган вақт аллақачон келган. Бу борада ҳар ким ҳар хил фикрда бўлиши мумкин, албатта. Лекин ҳам мумтоз, ҳам замонавий ўзбек адабиётида жаҳонга тақдим этишга аргизулик асарлар борлиги ҳақиқат. Бу борадаги дастлабки иш ана шу сара асарларнинг пишқи-пухта таржималарини амалга оширишдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, дунёда ҳар бир катта ижодкорнинг ўз таржимон(лар)и бўлади. Ана шу таржимон(лар) пайдо бўлмагунча ижодкор ўзга халқлар учун номтаълимгича қолаверадир. Ҳатто унинг юзлаб таржимони бўлиб, ҳар йили битта китоби ўнлаб тилларга таржима қилинса ҳам, фойдаси бўлмайди.

Қайтганга номарғуб таржима ижодкор ҳақидаги тасаввурни бузиб, уни ўқувчининг назаридан қолдиради. Муносиб таржимон(лар) пайдо бўлмагунча у — “ҳеч ким!”. Шу маънода, расом ёки бастакорга ҳавас қилиш мумкин. Чунки уларнинг бири ранг, бошқаси эса оҳанг тилида “сўйлайди!”. Ранг ва оҳанг тили эса универсал, ҳамма даврлар ва элларга бирдек тушунарлидир. Сўз санъати эса бу борада беллаша олмайди. У таржима бўлгандан сўнггина чет мамлакатларда тарқалиши мумкин.

Ўз ишининг устаси бўлган мутаржим аслиятга муқобил таржима устида ўйлайди, изланади. Асар руҳига кириб, асар мағзини “ўзиники”га айлантира олсагина унинг таржималари муваффақиятли чиқади. Шундай таржималардан бири ўзбек шоири Усмон Носирга тегишли. У рус шоири Михаил Лермонтовнинг “Демон” достонини юксак санъаткорлик билан ўзбекчага ўйрган. Асар худди ўзбекчада битилгандай раво, ҳароратли ўқилади. Айни чоғда,

таржимада “Фармонингга йиғлаб чўкай тиз” деган “ортиқча” мисра ҳам пайдо бўлиб қолган. Бу мисра Усмон Носирда бор-у, Лермонтовда йўқ. Хўш, нега? Таржимоннинг бунга нечоғли ҳаққи бор? Назарияга қарасангиз, ҳаққи йўқдек. Аслият ва таржимани қиёслашдан эса аниқлашадими, таржимон дoston руҳига шу қадар чуқур кирганки,

КЎНГИЛНИ ТАНИТМОҚ ФУРСАТИ ЕТДИ

гўё ўзи ҳам унинг ижодкорига айланган. Худди Лермонтов каби. Ва ижодкор руҳ қайфиятини қорозга тўккан:

Денгизларнинг тубларин кучай, Булутлардан баландга учай. Ер неъматин сенга тутай қиз, Фармонингга йиғлаб чўкай тиз, Севгин мени!..

“Фармонингга йиғлаб чўкай тиз” мисраси — ошиқнинг севгилисига бўлган чексиз ишқидан бир нишон. Айнан шу мисрада унинг маъшуқаси учун ҳар нарсасга тайёр экани аёнлашади. Бу мисралар аслиятга қуйидагича:

Я опущусь на дно морское, Я полечу за облако. Я дам тебе все, все земное — Люби меня!..

Таржимадаги ижодкорликни (“Фармонингга йиғлаб чўкай тиз”) қофия (“қиз — тиз”) тақозоси деб ҳам талқин қилиш мумкин, эҳтимол. Лекин гап фақат бунда эмас. Аслият қофиясига эътибор берилса, у — йўқ (“морское — земное” қофия эмас). Бу борада (яъни қофия масаласида) таржима вариантни устун эканини эътироф этмоқ керак. Лекин аслият — ўзича гўзал. У шу қадар гўзалки, ҳатто қофияга муҳтож эмас.

“Я опущусь на дно морское, Я полечу за облако” мисраларининг маъно, яъни тўғридан-тўғри таржимаси “Денгизларнинг тубига тушаман(тушай), Булутларнинг ортига учаман(учай)” бўлар эди. Усмон Носир аслиятдаги манзарани Лермонтов тақлиф қилган бадиий жумладан эса аниқлашадими, таржимон дoston руҳига шу қадар чуқур кирганки,

жада “Денгизларнинг тубларин кучай, Булутлардан баландга учай” каби чинакам ижод, аслиятга тенг яратик дунёга келади. Чунки денгизнинг тубига тушиш билан уни кучиш, булутларнинг ортига чиқиш билан улардан баландга учиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Худди оддий гап билан шеърин мисра орасидаги тафовут каби.

Агар тарихга назар ташласак, асосан, икки хил таржима кўзга ташланади. Бири — тағламали (подстрочный) таржима, иккинчиси — мазмун таржимаси. Аслида, бадиий таржиманинг неча хили бўлишига қарамай, энг муҳими — асар руҳи тўғри таржима этилмоғи шарт. Шу руҳ берилдими, қолгани катта-кичик тахрирлар билан тузатилиши мумкин. Руҳ берилмаса-чи, барчаси бекор: сўзлик гап қурилишлари, ҳикматли сўзларнинг ўринли муқобиллари, қўйингки, бутун “тоат-ибодат” сувга оқади-кетди.

Таржима — муҳим, шу даражада муҳимики, у асар тахририни ё бор қилади, ё йўқ. Ҳозирги замона келиб эса жаҳон адабиёти ва таржима қаршисида талай муаммолар пайдо бўлаётган. Хусусан, Москвада ўтказилган давра

суҳбатиде таржимон ва журналист Ирина Кузнецова бундай деди: “Тахририятга французча шеърлар бетиним оқиб келади. Улар, асосан, Рембо, Верлен, Малларме шеърларидир. ХХ асрнинг иккинчи ярмига мансуб шеърларни жуда кам юборишади. Юборишса ҳам турган-битгани даҳмаза! Уларнинг таржимасини ҳеч ким урдалай олмайди-да!.. Гап шундаки, 50- ва 60-йилларда француз адабиётида навбатдаги инқилоб содир бўлди. Назаримда, худди шу вақтдан Францияда замонавий шеърят бошланди. Янги авлод “реаллики босдан-оёқ рамзлаштирган” сюрреализм меросига қарши бош кўтарган эди. Хуллас, лирика маъносини оҳанжамадан холи қиламан, дея новаторлар ошириб юборишди: улар нафақат қофия ва поэтик қўчимларни ахлат уюмига элтиб ташлашди, балки шеърятнинг барча воситаларини гумдон қилишларига сал қолди. Уларнинг услубларида, шеърга жой қолмади. Бир француз танқидчиси бу даврни “муз даври” деб

Давра суҳбатининг яна бир иштирокчиси Марк Фрейдкин айтди: “Дейлик, менинг қизиқишим — XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярми. 30 ёшлиларнинг 30 ёшлилар ва ҳатто ундан ҳам ёшроқлар таржима қилгани маъқул. Айниқса, бугун шеърят шаклан бутунлай бошқа, янги қиёфага кириб бораётганда. Мен баъзан инглиз тилида қандай ёзишадиганига қизиқиб интернетга қираман. Айтиш керакки, каминанинг аънавий қарашлари билан ҳамоҳанглиги йўқ интернетдаги шеърларнинг. Шунинг учун менга мўмай қалам ҳақи тақлиф қилишса ҳам уларни таржима қилмайман. Бунга сабаб уларнинг рас-

қачондир вақтим бўлса, асарни таржима қилишни кўнглига ҳам тугдим. Алишер Навоий номидида Ўзбек тили ва адабиёти университети очилиб, бу даргоҳда жаҳон адабиётини дарс бера бошлаганимда эса у ҳақда талабаларга бот-бот гапириб бердим. Бори — шу. Бир кун асарни “Ўзбек-инглиз таржимачилиги” факультети талабаси Нилуфар Усмонова тилимизга ўғираётганини эшитиб, юки елкасидан олинган инсондек хурсанд бўлдим. Яқинда асар каминанинг сўзбошиси билан Ўзбек китобхоналари қўлига етиб борди.

Худди шундай, камина ҳам бир неча асарини рус ва инглиз тилларига таржима қилдиридим ҳамда интернетда сайт очиб, таржималарини юкладим. Натижада бир москвалик дўстимни “Кўзини очиб юмган одам” номли ҳикоям асосида кино олишга рухсат сўради. Татаристонлик адиб ва таржимон эса тўрт ҳикоя ва “Елгизлик” қиссамни ўз тилига ўғитиб, китоб тарзида чоп этиш ниятини билдириб хат ёзди... Демокриманки, ёзувчиларимиз бугунги куннинг имконларидан фойдаланмоғи лозим. Йўқса, жуда яхши асар ҳам йиллаб, ўн йиллаб, ҳатто асрлаб ўз таржимонини кутиб яшаши мумкин.

Таржима — юксак санъат

волиги ёки ёзишни эплай олмагани эмас. Йўқ, улар бор-йўғи бошқа тилда ёзишяпти ва қўллаётган бадиий усуллар ҳам менга нотаниш. Бошқа аудиторияга мўлжалланган шеърят бу”.

Айни мунозарадан ҳам кўриниб ту-

рибдики, таржимада, таржимонда гап кўп. Таржимон ҳаммани ҳам таржима қила олмайди. У ўз руҳи, дунёқарashi, диди ва йўналишига мувофиқ асарини қойиллатиб таржима қилиши мумкин. Қолаверса, бир хил сўзлар зимнида икки миллат ижодкори ҳам, ўқувчиси ҳам бошқа-бошқа маъноларни англаши мумкин. Улар бир-бирига мувофиқ тушуши учун икки миллатнинг яшаш шароитлари, бошидан кечирганлари ўртасида талай муштарак жиҳатлар бўлмоғи лозим.

Иккинчи муаммо таржима қилинган асарни жаҳонга тақдим эта олиш масаласидир. Бунинг турли йўллари бор: конференциялар уюштириш, шахсий алоқалар ўрнатилиш, интернетдан фойдаланиш... Ҳатто бадиий асарни бошқа санъат воситалари, масалан, кино орқали ҳам дунёга олиб чиқиш мумкин. Чунонки, ўзим француз драматурги Жан Доминик Боббининг “Скафандр ва капалак” деган асарининг дастлаб кино вариантини кўриб, ғоят таъсирландим. Сўнгра дарҳол интернетдан русча таржимасини топиб ўқидим. Бу ҳақда “Адабиёт — олдинда ёнган чирок” деган мақолада икки оғиз илқ сўз ҳам ёздим. Яна шуки,

рибдики, таржимада, таржимонда гап кўп. Таржимон ҳаммани ҳам таржима қила олмайди. У ўз руҳи, дунёқарashi, диди ва йўналишига мувофиқ асарини қойиллатиб таржима қилиши мумкин. Қолаверса, бир хил сўзлар зимнида икки миллат ижодкори ҳам, ўқувчиси ҳам бошқа-бошқа маъноларни англаши мумкин. Улар бир-бирига мувофиқ тушуши учун икки миллатнинг яшаш шароитлари, бошидан кечирганлари ўртасида талай муштарак жиҳатлар бўлмоғи лозим.

Иккинчи муаммо таржима қилинган асарни жаҳонга тақдим эта олиш масаласидир. Бунинг турли йўллари бор: конференциялар уюштириш, шахсий алоқалар ўрнатилиш, интернетдан фойдаланиш... Ҳатто бадиий асарни бошқа санъат воситалари, масалан, кино орқали ҳам дунёга олиб чиқиш мумкин. Чунонки, ўзим француз драматурги Жан Доминик Боббининг “Скафандр ва капалак” деган асарининг дастлаб кино вариантини кўриб, ғоят таъсирландим. Сўнгра дарҳол интернетдан русча таржимасини топиб ўқидим. Бу ҳақда “Адабиёт — олдинда ёнган чирок” деган мақолада икки оғиз илқ сўз ҳам ёздим. Яна шуки,

Улуғбек ҲАМДАМ

Адабий жараён: муаммолар ва мулоҳазалар

1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Ташнингча, қай бири ҳақ ва неча?
2. Ҳозирги адабий жараёндаги қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу муаммони бартараф этишининг қандай самарали йўлини кўрсата olasiz?
3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан кимларнинг китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан кўнглингиз тўлмади? Бунинг сабаблари нимада?

Мазкур анкета ёрдамида бугунги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, “Кенгашли тўй — тарқамас”, деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

ЧИН АДАБИЁТ СОҒИНЧИ

1. Бугунги адабиётнинг аҳволи ҳақида қатъий ҳукм чиқариш қийиндир-ку, аммо шу соҳага озми-кўпми алоқадор кишининг бу ҳусусда ўз мулоҳазаси ҳулосалари бўлмаслиги ҳам мумкин эмас.

Ҳар кун жилд-жилд китоблар нашр этиляпти, адабиётшунослик уларни тинмай тадқиқ қилипти, баъзи адибларимиз асарлари дунёнинг турли мамлакатларида чоп этилаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди... Айни ҳолат кимгадир юксалиш бўлиб кўринаётган бўлса ажабмас. Аммо бу — ҳали миқдор, ҳолос. Санъат ва Вақтнинг ўз мезонлари бор. Ҳамма замоналарда адабиётнинг ҳос ўқувчилари бўлган. Улар шон-шухратниям, муқофоту ёрлиқларниям тан олмайди. Уларга ҳаёт ҳақиқатининг гўзал бадиий талқини бундан қалбнинг теран ларзага тушишини муҳим, ҳолос. Дейлик, Румий, Навоий ёки Толстойни ўқиб-ҳис этган ўқувчи “Юксалиш палласи” деган иборани қўллашда саҳий бўлолмаслиги аниқ.

Бадиий ижод — ўта ички, индивидуал ҳодиса, шу боис адабиёт ривожини ҳаммани охида номлар билан боғлиқ. Улуғ асар, буюк ижодкор ижтимоий воқелик билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда узок йиллар, баъзан асрлар бўйи этилади. Ҳа, сўз даҳолари чақмоғи ҳар кун чақнамайди, бу — қонуният. Лекин у чақмоқдан бу чақмоқчача кичик-кичик кўтарилишлар бўлиб туриши ҳам айни ҳақиқат.

Бугун халқ улкан тарихий ҳодисалар ичида яшамокда. Глобализм дунё, тез-тез ўзгараётган ижтимоий идеаллар, тобора юксалаётган модият байрони, ҳидоят ва заволат оралиғида тебраниб турган инсоният... — миллий адабиётимиз шуларнинг бари ҳақида ўз сўзини айтишга масъул.

Адабиётнинг асл моҳияти — дунёни, инсон фикри ва қалбини ўзгаришга куч етказишдир. Бу асл моҳият яланғоч шоирларда, қуруқ даъват ва тарғиботда эмас, одамлар қалбига эзулик ва гўзаллиқа муҳаббат уйғотиш орқали жамиятнинг мўтадиллашувида ифода топади. Ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатиш орқали Инсонга ўз ҳақини танитувида ифода топади.

Бизнинг асримизда адабиёт асл моҳиятидан тобора узоқлашиб, ҳавастаги, эрмаккаши айланиб қолаётгандек... Тўғри, кимлардир сўз санъатининг асл моҳиятини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилишган. Адабиётнинг жамиятнинг ҳавотазалатига айлантиришга уринишган. Бироқ аксар биткиларда жонсиз бир баён, не бир асарлару адиблар “соа”си бордек. Сиртида адабиёт бор-у, аммо ичида адабиёт йўқдек. Недир бир зўриқиш, зўрма-зўрақилик; тўқима воқеалару ҳисиз... ҳис-туйғулар бордек. Адабиётнинггина зийрак қўзлари илғайдиган воқеликлар йўқдек. Ўқувчимиз, сўзгами писандисилик бордек. Акс ҳолда, бугунги адабиёт аёл гўзаллигини “Атлас қўйлаб-лозим кийган, ялтирар

турган сочи тақимини ўпадиган, овпоқ юзми, килриклари узун-узун, жисми нозиккина...” қабиллида нўноқ бир ҳикоячилик нардан-бери тавсифлашдан истиҳола қилган бўлади. Бу каби тарғиб ифодаларни яқин-яқинларда ҳам “Аноийнинг жайдалар олмаси”, “Олис Арте хотиралари” каби юксалишлари бўлган ўзбек адабиёти номидан тақдим этишга шошилмаган бўлади.

Дарвоқе, “Аноийнинг жайдалар олмаси”да ҳаётнинг шундай бир қўз илғамас фожиаси қаламга олинганки, ҳикояни ўқигандан сўнг анча вақт ўтгач ҳис этасиз уни: бу шайқатсиз дунёда покиза тийнанинг ҳам бошини тага бўлар экан!

Дарвоқе, “Олис Арте хотиралари” ҳам инсоннинг руҳий шикоятини билдирмай синдирадиган осуда фожа ҳақида...

Дарвоқе, булар — сўз санъати!

2. Албатта, бадиий ижода истисно — бош масала ва у бизнинг ихтиёримиздан ташқаридаги ҳолиса. Қолганлари ҳақида эса гапириш мумкин. Адабий жараёндаги дейимизни, адабиётдаги дейимизни — муаммо шуки, Яратган ҳақиқатини истиснодан билан сийлаган адиблар ҳам бугун ижодга енгил-елпи қараётгандек туюлади. Балки замоннинг шиддаткорлиги сабабдир. Балки муваққат бир нималар ноғораси асл ҳодисалар овозини босиб кетётгани сабабдир. Билмадим. Мен адабиётни тўла-тўқис тасвир, ижодкорни сўз мусаввири деб аниқлайман. Назаримда, бугунги адабиётимиз мушоҳада майдонига айланиб қолгандек. У гоа гегемониясидан ҳалиям ҳалос бўлолгани йўқ; негадир адабиётшунослик, танқидчиликни ҳам қўпроқ қўла, сўзга моҳирлик қизиқтираётган.

Албатта, бадиий сўз ижтимоий, ахлоқий ёки шунга ўхшаган мазмунсиз мавжуд бўлмайди, азал-азалдан шундай. Аммо адабиёт, тарих ёки диалектикадан фарқли ўларок, тирик борлиқдир. Бу борлиқ жибил-дилд, сўз туйғуси, ёрқин тасвир, ҳаёт тафсилотларидан нафас олади; бильякс, у ўлади ёки пажмурдага айланади. Улуғсиз изтироб чекиб яшамок, дунёни фожейи идрок этмоқ, ҳаётни майда икир-чикирларигача ўрганмоқ; сўзга сурач чизмоқ, бешақат тахрир қилмоқ — бадиий сўз тирикчилигининг асосий шартидир. Вақоланки, бугун насрда сюжет драмси, шеърда туйғу драмси этишмаяпти. Насрниям, шеърниям қуруқ баён фалаж этиб ташлагандек...

Бугунги адабиётда “ТИРИКЛИК” муаммоси бор ва уни, менингча, “Ижод — азову машаққатдан бошқа нарсас эмас”, деган адибларгина еча оладилар. “Адабиёт ўзингча ўта муҳим деб билганинг бир гоани ўйлаб чиқиб, унга попугу шокила тақиб чиқиш эмас, адабиёт ўша гоани аччиқ ичкадай чўзиш эмас, адабиёт тор шахсий кечинималардан иборат мингир-сингир эмас”, деган адибларгина еча оладилар бу муаммони. Ҳаётнинг бошқа барча

лаззатларини Адабиётга қурбон қилганлар еча оладилар. Хуллас, неки муаммо бўлса, ечими — шарт-шароитда, танқидчида, ўқувчида эмас, айнан ИЖОДКОРлардир.

Бугунги адабиётда “Тикти кўксим чокину, тийғин танамда қилди гўм, / Эл эшикни қулаф этиб туфуроққа кўмгандек қалиб” (Алишер Навоий) каби синчков нигоҳни, оддий эл турмушига ичкин, қизгин муҳаббатни соғиндик...

Бугунги насрда “Равнониг сочи гунгурт-қора, яъни қўқисиз жойларда қора қўрinsa ҳам, қўёшда бир оз сарғиш бўлиб қўринар эди” (Абдулла Қодирий) қабиллидаги бадиий сўзга ўлмас жозиба, ҳароратли нафас бағишлайдиган инжа кузатувларни, ҳаётнинг жонли манзараларини соғиндик...

Бугунги шеърятда “Анор донасидек қаторинг ўртаб / Бағримдан ситилиб кетди-ку, болам” (А.Орипов) сингари ёрқин чизгини, “ўртаб”, “ситилиб” янглиғ ўтгли нафаси юзимишга урилиб турган сўзларни соғиндик...

3. Кейинги пайтларда кўпроқ ёшлар ижодини ўқияман. Профессиналлар ўта професиналлашган кетгандек туюлган. Адабиётни қисмат деб билладиганлари саралангунга қалар — ҳозирча улар жуда кўпчилик ва ёшликнинг баланд завку шавқи билан ижод қилмоқда.

Жавлон Жовлиевнинг ҳикояларида инсон ҳаётининг фожа ва драмалари қўёшдек тиник лиризм билан уйғунлашиб кетган. Ифода услубида бошқаларда қўрилмаган порлоқ самимият, дарё каби табий равонлик бор. Асл адабиёт кўнгличар қиссаю романларга бериб қўйган қизиқарлилик бор.

Мадина Норчаева ҳам ёниб-ёниб ёзаяпти. Мадина ҳаётни драматик идрок этади, оламни кутилмаган образларда кўради.

Жонтемирнинг шеърларини ўқияпман. Унда Бобурнинг қизғинлигини, Лермонтовнинг шиддатини, Есениннинг ҳурриятини, Рауф Парфининг куюк бағрини ҳис этияпман. У тортинмай, овозини баралла қўйиб қўйлаяпти. Жонтемирда оламнинг турли жаҳбаларига оид анча чуқур билим, тафаккур ҳам бор. Дарвоқе, шоирлик учун қарийб унутилаётган нарсаси бу... Дарвоқе, Абдулла Орипов “Мусо шайхоси етди-ю гўё / Ҳақ тур тоғи узра қўрсатди жамол” деб ёзганда неча ёшда эди?

Ёш дўстларимнинг қўлини ўқисам, галати ҳис ичида қоламан. Уларда адабиётга дахлдор ҳамма нарсаси бор, лексин... юрак жунбиша келмайди. Ўйлаб топишган образлар, чироили паралоқлар, ақили тапплар, сўз ўйинлари бор; аммо Қалбни қирмаб олганча гулзорга айланувчи гулхан йўқ — таҳминан шундай деса бўлади. Ўз хочини кўтариб Гулқоф сари бораётган Исо изтиробини туймай туриб, шоир бўлиш даруғмон. Не-чунки, шоирлар ҳам кутқарувчиларидир...

Ноҳира АҲОҚОВА,
филология фанлари доктори

XVIII аср ўртасида дунёга келиб, XIX аср биринчи ярмида оламдан ўтган Умархўжа Хивақий ҳаёти ва ижоди ҳали тадқиқ этилмаган классик шоирларимиздан биридар. Ўзбек ва форс тилларида ижод этган бу шоирнинг икки девони бизчага етиб келган. Девонлар ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади.

УМАРХЎЖА ХИВАҚИЙ — САРКАРДА ШОИР

Шоир ҳақида Мунис ва Оғаҳийнинг “Фирдавс ул-икбол” тарихий асарида ҳам хабар берилган. Маълумотимизнинг биринчисини эса Умархўжа Хивақийнинг Пахлавон Нёз Мухаммад Комил Хоразмий (1825 — 1899) қўлида сақланган девонидаги Комил Хоразмий қайди билан бошласак: “Бу девон Умархўжа Хивақийникидир. Яширин қолмасинким, Умархўжа илгари нақиб эди. Ўзига “Нақиб” тахаллус қўйган эди. Шу сабабли газалларида “Нақиб” келган эди. Нақиблик мансабидан тушган, ўзига “Узлат” лақаб қўйиб, шу сабабли баъзи газалларида “Узлат” тахаллусини ишлатган. Каъбага бориб, ҳаж зиёратига мушарраф бўлган, шу сабабли тахаллусини “Тавфик” деб ўзгартирди. Кўпчилик газалларида “Тавфик” келган.” (**Нақиб** — қўшиндаги ҳарбий лавозим, бу мансабга фақат саййидлар авлоди тайинланган. — **И.Б.**)

Шундан кейин Комил Хоразмий ҳазрат Навоийнинг “бўлдуми” радифли газалига Умархўжа Хивақий боғлаган мухаммасни келтиради. “Фирдавс ул-икбол” асарининг 1792 йил май ойи воқеаларига бағишланган қисмидан қуйидагиларни келтирамиз: “Вазир, яъни Абдурахмонбой мейхрат қатл этилган, унинг ўғиллари Абдулрахимбой, Пахловонкулибой ва Абдулжабборбойнинг мол-мулкни) мусодара қилиб, бир ҳафтадан сўнг отасининг кетибдан юбордилар. Умархожа нақиб ул воқеада икки таърих топиб дур... **Таърих:**

Соҳиббозму дарёида ул-амажду карам, Ҳаст номаш баияни “мехтар Абдурахмон”. Дар даҳаи дуйўм моҳи рамазон гашта қатл, Рафт аз ин ғамкада бо се валади ошайш. Зан-он жаҳати пири хирад воқеаи қатлашро Ҳуфт таърих: “Даҳаи дуйўм моҳи рамазон”; (ҳижрий 1206 йил 12 рамазон — мелодий 1792 йил 2 май). Таржимаси: *Азизат эасию сазоватли ва карамал зот, Усувда номидир “мехтар Абдурахмон”. Рамазон ойининг иккинчи*

ўлиғида қатл қилинди, Бу ғам ушдан ул нафр ош зоташ ўғли билан кетди.

Шу жиҳатдан ақл пири қатли воқеасида таърихши Деди: “рамазон ойининг иккинчи ўн қулагини”.

Шу асардаги иккинчи маълумот Умархўжа нақибнинг ўғли Хўжажонхўжа ҳақидадир. У ҳам отаси каби ҳарбий лавозимда бўлган. Хўжажонхўжанинг номи 1810 йил воқеалари орасида учрайди.

Тавфик тахаллуси билан ёзган газалларида шоир биографиясини ҳам билиб олиш мумкин. Тавфик Хива шаҳрида Фозилбек ва унинг ўғли Абдуллоҳбек қурилишини 1790 йили бошлаб, 1794 йили тамомлаган “Оқ масжид”га атаб таърих ёзган; Умархўжа ҳаж сафарига киқиб, Маккага борган ва қайтганда Туркия султони Абдулҳамид билан учрашган. Абдулҳамиднинг султонлик даври эса 1774 — 1789 йиллар. Девонда шу султонга бағишлаган ёзилган қасида ва муаммо бор.

Газаллардан бирида Умархўжанинг Бухоро шаҳрига боргани ҳам айтилади. Девон муаммо, қасида, таърих, рубоий, маснавий, мухаммас жанрига оид асарларни ўз ичига олган. Мухаммас, қасидалари ўз



Салим АШУР

ҚУЁШ КАБИ БОРСАН

Марсуп

Рассом Рўзи Чориев хотирасига

Сен эсларсан, балки эрта-кеч
Муҳаббатнинг совушларини.
Томирингда эшитдингми ҳеч
Юрагининг товушларини?

Фалаклардан тушган маъбудсан,
Бир чандиқ бор дил чегасида.
Қуёш каби борсан, мавжудсан
Ер шарининг у чеккасида.

Ўққилиш

Бахтим шу: бир осмон иккимизники,
Яшаймиз иккимиз битта замида.
Такрорлар, такрорлар дилим исмининг
Ҳар бир «бисмилло»да, ҳар бир «омин»да.

Сен қуёш, мен эса ой бўлсам мумкин,
Ғойибдан биламиз йўқ-боримизни.
Бир ёққа юрсак-да муттасил, секин,
Ҳеч қачон қўрмаймиз дийдоримизни.

Қандай бахт, масофа соғинчга тўлган,
Бу бўм-бўш борлиқда жон яқинимсан.
Ҳаётимни нондек иккига бўлган,
Умримга ўт қўйган зўр қақинимсан.

Қуёш ва ой жамиятида
Юлдузлар бир сафга терилди.
Бек, зотларининг оқ ниятида
Унга ғалат тақдир берилди.

Қайдан олди шўр қисмати у,
Қайдан — қилдек ингичка йўли,
Тутилмаган ор, исматни у,
Ранг тўла қўз, зиёли қўлни?

Мусичадек мушфиқ тақдирини
Олиб ўтди ёмғирдан, қордан.
Аввал бола, сўнг чол сағирини
Асролади оқ билан зордан.

Тақдир жуда осон яшади,
Наҳорларда қолса ҳамки оч,
Ўз умрига олов ташлади,
Суякларни қуйди яланғоч.

Сир едирди жом ва майларга,
Унга қанча ёлворимасин,
Кетиб қолди аллақайларга
Соч-соқол ва нур қоринмасин.

Ранг, жамолга қўчган нидони
Умрларга зарралаб сочди.
Танисин деб Буюк Худони
Ҳаётининг кўр кўзини очди.

Жилдираган бу ширин ранглар —
Қўзларининг аччиқ ёшлари.
Ҳалок этди жон билан жанглар
Ва тақдири яяла бошлади.

Ёмғир ёғди хаста,
Қадам ташлайман аста.

Кўча сувда тўлганар,
Баргдек узилар қамар.

Дарз кетган дилга ямоқ —
Шарра йиртилган япроқ.

Томчиларининг товуши,
Суякларининг совуши...

Дилдирайди мусича,
Кўзи — қалам учича.

Сен чопиб ўтдинг уйга,
Урилдинг майини қуйга.

Лат емадими бетинг,
Жуда бахтиёр эдинг.

Оғридни сочларинг,
Деразанинг очмадинг.

Сочларинг шикастами,
Севгига пайвастами.

Бунча эзилди ёмғир,
Нигонҳингдан ҳам оғир.

Ўзини қўлга олсамми,
Кетсамми ё қолсамми...

Эски тоғлар

Шоир Матназар Абдулҳаким вафотига

Эски тоғлар — она замин илдиэлари,
Ер остига сиймай ташга тошиб кетган.
Кечалари қордай эриб, қундузлари
Саҳарларнинг қирғоғидан ошиб кетган.

Мангу мерос қоялар ҳам, чўққилар ҳам —
Аждолларнинг оқ соқолли болалари.
Ўқсиклари айтилар ҳам, ўқилар ҳам,
Айтганлари минг йилларнинг жолалари.

Эски тоғлар — ота замин томирлари,
Ватанларини улғайтирар қучоғида.
Сўз сачратар адабиёт ёмғирлари,
Акслар титрар абадиёт бўлоғида.

Эски тоғлар — қари ҳаёт ажинлари,
Асрларнинг юзларини ёриб чиққан.
Биздан кетган у дунёнинг мажнунлари
Ўз қўнғилдан ўзини тўққан.

Зирқирайди бу дунёнинг суякларини,
Тўлғонади дарё ҳаёт тўлғоғида.
Бу тоғларнинг тизма-tizма жўкларини,
Ёрилади дарду алам инроғида.

Кетар бир-бир, карвон каби, лекин чўкмас,
Оҳ денгизга соя солар янги боғлар.
Муҳаббатга қўмилган юракларда...
Юракларда ўсаверар эски тоғлар.

Мен ҳар сафар Мунаввар келинойимни
эслганимда кейинчалик рўй берган бу оғир
воқеа эмас, дилимда сал маънос ва илқ
ҳислар уйғонган ёз кўни эсимга тушади.

...Бувимнинг серсоя боғи қариндош-
уруларимизга, тоғамнинг ёр-биродарлари-
га тўлган: биров ўчоқ қўрмакда, биров ўтин
ёрмакда, биров ҳовлига сув сеипи, сўрига
палос ёзмакда. Кечқурун туй!

Бу шодлиқдан ҳамма хурсанд, мен ҳам
йиғилган болаларга қўшилиб шов-шув
кўтараман, дам шотутга ўрмалаб, қаптар
уяларидан туҳум қидираман...

Тўсатдан мияратеракка чирмайиб ўсган
аймоқчи тоқ орасидан бувимнинг боши
қўринадди. У мени имлаб қақиради, қўли-
даги рўмолдан дўпимга икки-уч бош
чиллаки узум соқолида:

— Бор, меҳмонхонага элтиб бер. Тоғанг
билан келинойим... татиб қўришсин.

Мен дўпимни қўрагимга босиб меҳ-
монхонага қараб чопмоқчи бўлсам, ле-
кин бувим қўлчан ушлаб тўхтади, ён-
верига қараб секин дейди:

— Мабола... «ўтир», дейишса, ўтирма-
гин тагин. Бир нафас бўлсам бирга бўлиш-
син. Эртага... — Бувим, лаблари пирпираб,
гапиролмай қолади, рўмолнинг учини
қўзига босади-ю, имо қилади: — Бор!

...Тоғам эртага урушга кетади. У кеча
кечқурун келинойимни Тошкентдан «олиб
қочиб келган». Қўлоғимга чалинган шивир-
шивирларга қараганда, улар институтда
бирга ўқшар экан. Кечаси уйимиз хотин-
халақга тўлиб, келинойимни қўрқолган
элим, бутун эрталаб лодалан қайтаётди,
булоқ бошида қўриб қолдим.

Тоғам булоқ бўйига чўққайиб, юзини
ювар, келинойим эса эғнида атлас қўйлак,
бошида четларига гунафша ранг тўл тикчил-
лан ипак дурра, елкасида соғиқ, қўлида
челак, унинг ёнида турарди.

Келинойим новча, ҳатто тоғамдан ҳам
новчароқ, — мен бунга тоғам ювиниб
бўлиб, қаддини ростлаганида пайқалдим, —
узунчоқ юзи, ноқискина қиз эли. Мени
айниқса, унинг хил маънос қора кўзлари
хайратга қолдириди. Умуман унинг бутун
вуқулдида, очиқ, мулоийм чехрасида, ўйчан
тиклиби туришида бўлакча бир ғамгинлик
бор эди.

Мен уларга сездирмай ўтиб кетмоқчи
эдим, тоғам қўриб қолди, олдида қақириб
олди.

— Мана, танишиб қўйинг, Мунаввар-
хон, — деди у. — Боя сизга айтган жияним
Мансурполлов шу йигитча бўлади. Мен
кетганда биров сизни ранжитмайдиган бўлса...
шу йигитча айтиб қўйсиз...

Келинойим челакин чап қўлига олиб,
ўнг қўлини менга чўздди, қошларини чим-
мириб, мулоийм жиймайди.

— Шунакими? Тоғаниз кетганда мени
биров ҳаф қилса... ён босасизми менга,
Мансурхон?

Мен қизариб нимадир деб, гуздандим.
Менинг ўринида тоғам жанг берди:

— Ён босиш ҳам гапми, сизни ранжит-
ган одамнинг қалласини олади жияним,
лаббай?

Келинойим менга қараб кўзини қисди:
— Қўйинг, ҳаммаи ўзингизга ўхшаган
зўравон деб ўйланман!

Тоғам қаҳ-қаҳ отиб қулди. Мен эсам,
қўнғилим ажиб бир ҳисларга тўлиб, ўзимни
боққа урдим. Ўшандан бери кўз олдимдан
келинойимнинг ўйчан чехраси, қулқла-
римдан эркалаб айтган гаплари кетмас эди.

...Қишлоқи соддаликни қаранг! Хайла-
мда ҳеч нараса йўқ, чопганимча бориб меҳ-
монхонанинг эшигини шарақлатиб очиб-
ман! Турда ўтирган келинойим чўчиб ўти-
рилди. Тоғам бошини келинойимнинг тиз-
засига қўйиб, сочларини ўйнаб ётган экан,
ўзини четта олди-ю, мени кўриб яна тиш-
ларини яриқратди:

— Э, сенмасан, полвон? Ке?

— Ҳа, шу... бувимлар узум бериб юбор-
дилар...

— Бувингларми? — яна қулди тоғам. —
Қани, опке, узум бўлса, маза қилиб ту-
ширайлик бир.

Мен узумин уларнинг олдидаги дасту-
рхонга қўйarkanман, келинойимнинг
кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш кўрдим. Узу-
мин қўйиб, дарҳол оркамга қайтмоқчи
эдим, келинойим кўрсаткич бармоғи билан
кўз ёшларини сидириб ташлади-да,
қўлимдан ушлади.

— Ўтиринг, Ман-
сурхон, бирга узум
еймиз.

Тоғам ҳам истар-
истамас таклиф қилди:

— Ўтир!

У бир бош узумин келинойимга тутар-
кан, менга кўзини қисди:

— Биласанми, нимага йиғлаяпти кели-
нойим! Туй эскича бўлсин эмиш, чимил-
диққа қирармишлар...

— Ҳа, қирмоқчиман, — деди келино-
йим.

Икки буқилиб амма-халаларини салом
бермоқчи эмишлар...

Келинойим ингичка бармоқлари билан
узум доналарини битта-битта узиб оғизга
соларкан:

— Нега қуласиз? — деди. — Умримизда
бир марта бўладиган туй, ҳаммасини
қўрсам дейман. Ойим бечораям хафа
қилманг. Майли, чимилдиқ тутишсин, «ке-
лин салом» қилишсин, қизлар лапар ай-
тишсин...

— Ана ҳоло! Сал кам олий маълумотли
келинойимнинг гапларига қара!

— Олий маълумотли бўлсам нима бўпти?
Ахир сиз эртага урушас...

Келинойим гапиролмай юзини четга
бурди.

— Ҳўп, ҳўп, таслим бўлдиқ, ази-
зим! Майли, чимилдиқкам қиринг,
амма-халалариям хурсанд қилинг.
Фақат йиғламанг, жоним. Қани, кўз
ёшнингизни артинг, бир жиймайинг!...

— Тоғам қулиб келинойимнинг со-
чларидан тортиқлади. Лекин у ҳам
тўлиб тургани, ўзига далла бериш
учунгина зўраки қулаётгани шундоқ
сезилиб турарди... Қўнғилим бир хил
бўлиб, секин чиқиб кетдим...

Оқшом туй бўлди. Сўлим ёз кечаси
қишлоқ боғлари устида маънос қўйлар, ай-
рилиқ ҳисларига тўла ҳазин лапарлар ян-
ради. Келин келатганди (уни қўшнимиз-
никидан чиқаришди), дарвоза олдида гул-
хан ёқилиб йиғилган йўлга арқон тутиш-
ди. Бувим, қўлида бир ҳовучча танга, дам
йиғлаб, дам қулиб, келиннинг бошидан
пул сочди. Қиз-йигитлар айрилиқ ва ҳиж-
рон аламини тамом унутмоқчи бўлгандай,
тонг отпунча ўйин қилишди. Эрталаб эса
гузарга йиғилган халойиқ тоғам бошиқ
ўттиз нафар йигитни кўз ёши ва дуолар
билан кузатиб қилишди...

Тоғам кетгандан кейин келинойим
ўзини қаёққа уришини билмай, оламга
сиймай қолди. У худди олмас ва нотаниш
жойга тушиб қолган қийик боласига ўхшар,
апрофида гиргитгон бўлган қариндош-уру-
лар билан, ҳатто бувим билан ҳам кўп ёзи-
либ гаплашавермас, аксарият боғни ёлғиз
кезар, катта-катта кўзларини олис-олислар-
га тикиб узоқ ўйга чўмар эди.

Мен буёқдан унга ҳар хил китоблар олиб
келиб берардим. У китобни миннатдор-
лик билан олар, мени эркалар, лекин
жулда кам ўқир, ё ўқий бошласа ҳам яр-
мига етмасданоқ ёпиб қўяр эди. Фақат
тоғамдан хат келган кунлари кўзларини ча-
рақлаб, яшнаб-яйраб кетар, катта боғ-
нинг тоҳ у ери, тоҳ бу еридан унинг майи-
ни хиргойиси эшитилар эди...

Шу зайлда бир ҳафта ўтди. Кейин, ўқиб
бошлангунча (у мактабга йўшга жойлашган
эди), уйда «юрагим сиқилиб кетди» деб
дашпта, булоғи ўроғига чиқиб кетди.

Бувим қанча қистамасин, ялиниб-
ёлвормасин, келинойим то ўқиб бошлан-
магунча даштан қайтмади. Мен ҳар кўни
бўлмасча ҳам, икки-уч кунда бир ҳўтигим-
га миниб, бувим берган икки-учта тўқач,
қўрда қўмилган уч-тўртта жўхори сўтаси,
бир товоқ сойма ва бир хурмача қатикни
хуржунга жойлаб, дашпта, унинг олдида
жўнардим.

Келинойим, оғир меҳнатта ўрганмаган
шаҳар қўзи эмасми, сал ўтмасданоқ озиб-
қорайиб кетди. Қийналиб қолгани шундоқ
сезилиб турса-да, бувимнинг «саломларни-
га» қулиб жавоб беради:

— Ойиларини тинчитиб қўйинг. Ман-
сурхон, «қиз-жувонлар орасида туппа-ту-
зук юрибди», дег!

Мен унга дил-дилдан хайрихоҳ эдим.
Қишлоқда кеча-кундуз почтачининг йўлига
тиклиб, ўзи билан ўзи олишиб ётгандан
қўра, бу кенг дашпта ҳамлар, ҳамнафас
тенгдошлари орасида ҳасратлашиб, улар

Ўзбек ҳикоялари хазинасида

Йиғлашса йиғлаб, қулишса қулиб юргани
яхши эмасми?

Даштадагиларнинг қўнғилиги худди ке-
линойимдай ҳижрон доғидан қалбларига ка-
боб ёш-ёш қиз-жувонлар эди. Улар, худди
ҳамма алам, ҳамма изтиробларини меҳнат-
дан олмоқчи бўлгандай, ўчакишиб, жон-
жаҳдлари билан ишлашар, кечалари эса тун
ярмигача кенг даштни зир титратиб мунг-
ли лапарлар айтишар, фронтдаги ёрларига
атаб қўшиқлар тўқнашар, солда, лекин
бўлакча бир самимиятга тўла хатлар ёзи-
шарди... Келинойим қизларининг илтимоси
билан баъзан уларга «қиройилроқ» хатлар
ёзиб берад, баъзан шеърлар тўқир, шунинг
учун ҳам ҳамма уни яхши кўрар эди.

Келинойим мени кўзи тўрт бўлиб қарши
олар, чунки тоғамнинг хатларини аксария-
т мен олиб келар эдим.

Бундай пайларда келинойим дағалла-
шиб қолган қизқина қафларига билан бо-
шимни маҳкам ушлаб, қўксига босар, пе-
шанамдан ўтар, «Менинг чин ғамхўрим,
халоскорим!» деб эркалар, мен эсам унинг
яшнаб кетган чехрасини, секинчадан чак-

манзара кетмас эди: келинойим хатни
қўрганда, албатта, қувончдан йиғлар,
кейин қулади, сўнг мени қучоқлаб бағ-
рига босади ва биз ҳозиргидан ҳам
иноқ ва меҳрибон бўлиб қоламиз!...

Мен келинойим дейману, бироқ ундан
ҳам бувимга қийин эди. Ҳар кўни кечқу-
рун келинойим даладан қайтиши билан
меҳмонхонага қирарди-ю, ўзини сим ка-
равотта ташлаб ётиб оларди, у кўзини шиф-
та, бир нуқтага тикиб соатларча ётар, бу-
вим эса, узи ҳам юраги лаҳча чўғ, қандай
қўли унинг қўнғилини олишини билмай,
ич-ичидан зил кетар, дам «Ноумид шай-
тон, сабр қил, болагинам!» деб қойган
бўлар, дам ўзи боғни гир айланб, юм-юм
йиғлар, назаримда, у ҳаммадан қўра кели-
нойимнинг кетиб қолишидан қўрқар эди.

Ноябрнинг ўрталари эди. Лекин ҳали
совуқ тушмаган, кунлар илк қузағилдай
илиқ, дарахтларнинг таги хазондан гил-
ташгандай қип-қизил, яланғоч боғлар
аллақандай маънос ва соқини тўқолади...

Эрталаб тегирмонга бориш учун ҳўи-
гимни эгарлайтиб ошхонадан келинойим-
нинг хуррам овозини эшитиб қолдим.

— Ойижон! Мени айтди дерсиз — бу-
гун хат келди, — дер эди у. — Туш қўрдим.
Ўнгингиз от ўйнатиб кетти.

— Иншоолло, айтганинг келсин,
болам...

Бир лаҳсадан кейин келинойим, озгин
юзи аллақандай ёришиб кетган арпа ара-
лаш жўхори солинган тўрвани бувим билан
кўтаришиб чиқди. Қопни ҳўтиққа ор-
тишга ёрдамлашар экан:

— Тезроқ қайт, жон қайним, — деб
қулди. — Бутун қовоқ сомсага тўйиб, бир
яйрайлик!...

Мен ҳам қўнғилим сув ичгандай бўлиб
ҳўтигимни чоптириб кетдим. Туш бўлмас-
даноқ жўхорини тортириб қайтиб келга-
нимда уйда ҳеч ким йўқ эди. Унинг ошхо-
нага тушириб, ҳўтигимни етаклаб сойга
кетдим.

Сойга яқинлашиб қолганимда кекса
шотут тағидаги улкан қабр олдига ўтирган
бувимга қўзим тушди. Бувим бу қабрин
авлиё дер, ҳар шабба унинг устидида қўлоч
етмайидиган архар шохига қўч
латта боғлаб, кечалари унинг
меҳробига мойиқроқ ёқарди.

Бувим, тағида наमत, худди
эркаклардай чўққалаб ўтирар,
нимадир пичирлар, афтидан,
авлиёга илтижо қилар эди.

Мен бувимни илгарилари ҳам бир неча
мартга шу аҳволда кўргандим, лекин у ола-
да бомдод ё аксинча, намозомон пайларни
шундай қиларди, бутун эса... тол тушди!...

Қўнғилим бир хил бўлиб сойга чиқдим,
чиқдим, яна дилим ёришиб кетди. Сой-
да, толлар орасидагидек бўлиб қўлида кели-
нойим қаттиққанган сочини сувга чайиб
ўтирарди.

У мени қўриб белига тушадиган майин
соңларидидагидек сувин сидириб ташлади, тез
турмаклаб, ўрнидан турди.

— Дарров қайтиб қолибсан, қайним?
Ҳўзир қаламбир солиб шунақа бир қовоқ
сомса қўлайки, мазаси оғзингда қолсин!

У тоғорасини қўтариб боққа кириб кет-
ди, мен эса ҳўтигимни тушовлаб сойликка
қўйиб юбордим-да, булоқ бўйидаги қуриб-
қовжираб қолган ўтга чўзилдим.

Қани энди келинойимнинг туши ўнгини
дан келса-ю, почтачи менга бир хат та-
шлаб кетса! Мен уни чоп-чоп келинойимга
элтиб берсам, уйимиз устига йиғилган қўра
булутлар тарқаб, офтоб чиққанини кўрсам!

Секун қадимини ростлаб боққа қарардим.
Шотутнинг тағида бувим қўринмас эди.
Мен авлиё бобонинг қабри ёнига боришга
ийманиб, унинг рўпарасига тиз чўқдим.
Қўзларим ўз-ўзидан юмилди, болаликдан-
гина буладиган бўлакча бир самимият ва
эҳтирос билан пичирладим:

— Э, қудратли, шафқатли, меҳрибон
авлиё бобо! Тилагимни қабул қил! Кели-

нойимнинг туши ростта чиқсин! Меҳри-
бон бувим билан келинойимнинг кўз ёшла-
рини қуритгин, бошларига тушган ғам-ғус-
садан соқит қил уларни, э, меҳрибон, қуд-
ратли бобо!...

Қўлоғимга «Почтачи! Почтачи!» деган
овозлар киргандай бўлди. Чўчиб қўзимни
очдим. Қичқираётганлар — сойда ситир
қочиқ юрган болалар эди. Почтачи — би-
лагидан снаряд парчаси узиб кетган қўли
қизил таёққа ўхшаб қолган ёш йигит —
шалпанг қўлоқ эшагини «хих-хих»лаб
сойининг ўртасида биз томонга қараб ке-
ларди.

Ваҳимали, айни замонда қўз офтоби-
дай илиқ бир туйғу вужудимни қўлга олди.
Шу тоғда мен почтачи бизникига йўл ол-
ганига, тоғамдан хат олиб келатганига зи-
ғирдай ҳам шубҳа қилмасдим!

Уримдан сакраб турдим. Ўша ваҳима-
ли ва қайноқ туйғуга бўйсуниб боққа отил-
дим.

Бувижон! Келинойим! Хат! Тоғам-
дан хат!

Уйдан олдин қўлларни хамир бувим
югуриб чиқди, унинг кетишдан бир қўлида
тароқ, бир қўлида қўзғу, сочлари пари-
шон келинойим қўринди. Ранги девор, со-
члари ёзилган, у ёнимдан ўтиб, мен
қўрсатган томонга чопиб кетди, унинг ор-
қасидан хамир қўллари билан елкасига
тушган рўмолнинг тўрилай-тўри-
лай бувим югурди. Учунчи бўлиб
мен чопдим. Лекин почтачининг биз
томонга бурилмасдан қўшни боққа
ўта бошлаганини кўрдим, кўрдиму,
аллақандай совуқ бир ҳисдан
аъзойи баданим музлаб, беихтиёр
тўхтаб қолдим.

Булоқ бошига бориб қолган ке-
линойим офтобда қўзғусини чарақ-
латиб қўлини силтади:

— Шўттан узата қўлинг хатни! Шўттан...

Ўзбек миллий киноси оламида муҳим воқеа рўй берди. Етмиш уч йиллик даврни шараф билан босиб ўтган "Тоҳир ва Зухра" фильми илк бор халқаро Рим фестивалида намойиш этилди. Режиссёр Наби Ганиевнинг ушбу фильми "Режиссёрнинг жаҳон киноси ривожига қўшган катта ҳиссаси учун" юксак совринга муносиб кўрилди. Ушбу фильмининг кадр ва эпизодларини тайёрлаш, суратга олиш, монтаж қилишда ниятда талабчан бўлган Наби Ганиевнинг сезгир, нозик дидли, юксак эстетик идеалга эга бўлгани, ўз ишининг ҳақиқий устаси экани жаҳон миқёсида эътироф этилди. Унинг бу фазиаларини фильм таркибидан ўрин олган эпизодларгина эмас, яхлит композицияга киритилмаган талайгина кадрлар ҳам тасдиқлайди. Шу босидан мулоҳазаларимиз ёзилгану лекин оққа кўчирилмаган, суратга олингану монтаж қилинмаган кадрлар ҳақида бўлади.

Миллий кинематографиямизнинг бу шох асари узоқ йиллар давомида кўпгина мамлакатларда намойиш


қилиниши мумкин. Айтишларича, бу лавҳаларни Наби Ганиев эмас, иккинчи режиссёр суратга олган. Бу гапда жон бор деб ўйлаймиз. Иззат Султонов (1944-1945 йиллари киностудия директори бўлган)

Миллий киномиз эътирофи

суҳбатларимиздан бирида: "Тоҳир ва Зухра" монтаж қилинаётган кунлари Наби Ганиевич хаста бўлиб шифохонада даволанган. Зиндонга ташланган Сардор ва хон Бобохон ўртасидаги кескин диалогли кадрларни биз режиссёр Йўлдош Аъзамов билан монтаж қилган эдик. Асар бел-

икки ғазабнок шахснинг портретлари меърида яратилган мазкур кадр фильмининг энг таъсирчан эпизодлари сифатида томошабин ёдида қолади.

Собир Абдулла ва Алексей Спешнев ўз қахрамонлари ҳолатига кириб ёзган, актёрлар Асад Исмамов ва Абдор Ҳидоятлов талаффузида янраган диалогни тўлиқ келтиришнинг имкони йўқ. Лекин мулоқотга яқин ясаган ақлирасо, бироқ зулмор Бобохон — А.Исмамовнинг қуйдаги сўзларини келтириш ўринли деб ўйлайман: "Афсус душманамсан, Сардор, — дейди у рақибига, сўнгра мулоқот гувоҳлари бўлиш сарбозларига қараб: — Сардорнинг ўлим олдида ўзини тутиши



соябонли аравада Самарқанд кўчаларида сайр қилиши эпизоди "донишманд" маслаҳатгўйларнинг фикри билан суратга олинган, лекин фильмининг яхлит композициясидан ўрин олмаган... Кадр ортида қолган яна бир эпизодда Тоҳир сандик азобидан қўтилиб, Моҳим ҳавасини қондирмай, ўз юрти, Зухра томон йўл олганида дарё соҳилларида елкаларига қалин арқонни ташлаб, ботиб қолган кемаларни тортиб юрадиган бурлақлар билан кун кўради, сув, ботқоқ кечиб фарқ бўлаётган юк кемаларини бир амаллаб ҳаракатга келтиради. (Фақат рус бурлақлари бир-бирларига "Эй, ухнем!") қўшиғини зўрма-зўраки айтиши қолган эди!... Режиссёр бу таклифни ҳам рад этган...

Биз совриндор фильмининг суратга олиш жараёнидаги сабоқларнинг айримларини санаб ўтдик, ҳоло. Жанр софлигини, услуб бирлигини, шоирона руҳни сақлаб қолишни "Тоҳир ва Зухра"дек поэтик асардан ўрганиш мумкин.

"Тоҳир ва Зухра" сценарийси иккинчи жаҳон урушининг оғир давларида ёзилиб, суратга олиниб, ғалаба кунлари экран юзини кўрди. Асар устида турли миллатларнинг ниятда истеъдодли вакиллари ишлаган. Собир Абдулланнинг ёнида рус драматурги А.С. Пешнев, Наби Ганиевнинг олдида украиналик оператор Д.Демущий ва миллий маданиятимизга меҳр қўйган рассом В.В.Времен, композитор А.Козловский бўлган. Ёш Юлдуз Ризаева ва Фулом Тожмаълюев Асад Исмамов, Обид Жалилов, Абдор Ҳидоятлов билан ёнма-ён туриб ижод қилишган. Бугун уларнинг фарзандларини, набираларини, шогирдларини халқаро миқёсдаги соврин билан табриқлаймиз!

Ҳамидулла АҚБАРОВ



Халқ ижодида ўзига хос ўрни бўлган, хусусан, Фарғона водийсида кенг тарқалган аскияга болалиқдан меҳр қўйганмиз. Сайил ва томошалар аскиясиз ўтмасди. "Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз" деб бошланадиган икки гуруҳнинг тарафма-тараф баҳсини, сўз ўйинларини қизик-қизик ҳангомалардан юракдан отилиб чиққан қаҳ-қаҳалар тулган давраларни қўсаймиз.

Ҳозир ҳам аския халқ санъатининг бир тури сифатида ўз муҳлисларига эга. Ўзига хос аския мактабига эга бўлган Марғилоннинг тилга олишимиз билан кўз ўнгимизда Юсуфжон қизик Шаркжонов, Охунжон қизик Ҳузузжонов, Зайнобиддин қизик Юсуфов каби кулги усталарининг ёрқин сиймолари жонланади. Фозилжон Султонов, Қўшқоржон Султонов, Муҳиддин Дарвешов сингари аския намоёндаларининг номи ҳануз ҳурмат билан тилга олинади. Уларнинг Мамасиддиқ Шираев, Муҳиддин Султонов, Абдулла Ақбаров сингари муносиб издошларининг аскияни санъат даражасига кўтариш йўлидаги сазай-ҳаракатлари, албатта, эътиборга молик. Истироҳат бонлари, "Оталар чойхонаси"да мунтазам ўтказиб келинаётган аския кечалари, кулги байрамлари, намойиш этилаётган қўшқорчилик дастурлари айни мудоао.

Бироқ култига ҳам меъёр ва одоб, аскияда эса ўзига хос таомиллар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Зотан, нутқ маданияти кучли бўлган қизқичқилларнинг ҳаммаси ҳам аскиячи бўлолмайдими. Аскияда зукколик, ҳозиржавоблик асосий мезон. (Аския арабча "аския", яъни "ўткир эҳтилол" сўзидан келиб

чиққан деган тахминлар мавжуд.) Аския бир нав мусобақа, қолаверса, маъна қилиб эшитадиган ва томоша қилинадиган ўзига хос беллашув бўлиб, тортишувлар томошабинга бир олам завқ ҳали этади. Муқобил томонни аниқ нишонга урган — мулзам қилган гуруҳнинг қўли баланди. Бу "жанг"да асосий аслаҳа нозик ва сермаъно сўзлар. Беозор ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтаришга лаёқати етмаган аскиябоз нима қилади? Эмалликка ўталами? Йўқ. Ҳамма қатори кулади.

Аскияда одамлар фелъ-авторидани гуруҳлар фелъ қилиниши мумкин, бироқ бундан ҳеч ким озор чекмайди. Ақсинча, киши ўз айб-нуқсонини ва бўш томонларини билиб олиб, уларни ислоҳ қилишга қаришади. Шу маънода, бироз қўнғилни хушламоқ, шодлик ва хурсандчилик учун айтилган аския маълум маънода тарбиявий аҳамиятга эга. Халқнинг "Бир марта дундан кулган кишининг умри бир кунга узаяди", дейиши ҳам бежиз эмас. Кулги, аскиянинг киши саломаатлигига нечоли фойда келтириши ҳам-мамизга маълум.

Бироқ бутун аския йўналишидаги ижоднинг барчасини ҳам аския деб бўладими? Афсус... сўнгги пайтларда минг йиллар оша тараққий этиб келган аскияда мазмунсиз ва ахлоқимизга тўғри келмайдиган сўзларни ўринсиз қўллаш ҳоллари кўзатишмоқда, беҳушлов, уятли ўқаштирилган асосланган "аския"лар пайдо бўлди. Беғарас кулги билан сугорилган, донишмандлик, зукколик ва ҳозиржавобликни қамраб олган нозик санъат, айни дамда, тарбия воситаси бўлган аския бутун нима учун бундай аҳволга келиб қолди? Гуруҳлар баҳси гоҳида

тилланган муддатда топширилиши талаб этилариди" деган эди олим. Иззат Отанович берган бу маълумотни тўлдириш мумкин. Сценарийнинг дастлабки

кўринишлари муҳокама қилинганида Наби Ганиев мазкур эпизоднинг адабий таъриф ва тавсифини ҳамда унинг жонли тасвирий ечимини айтиб берган. У жуда ўринли таклифини сўз билангина эмас, эскизлар мажмуасида ҳам кўрсатиб берган: "Нима сабабдан Сардор ашаддий душмани бўлиши Бобохон билан учрашмайди. Учрашсин. Сўз дуэли бўлсин... персонажларнинг бири тахт эгаси — шаҳаншоҳ, иккинчиси "камбағаллар қироли" лақабини олган Сардор. Сардор ташланган зиндон шох саройи, фармони олий ўқиладиган ҳашаматли хона тағида бўлади. Рақибларни чуқурлик устига ташланган темир панжара ажратиб туради. Даҳанаки жанг чуқурликда занжирбанд ҳолатда бўлган Сардор ҳамда қалин темир панжарани тинмай босиб ўтаётган, авом "амири"ни оёқости қилмоқчи бўлаётган шох ўртасида кечади". Бу таклифни "Тошкент" киностудияси бадий кенгашининг раиси Михаил Ромм мамнуният билан қабул қилади. Эпизод шу тарзда — ракурсли композиция қўлланган ҳолда суратга олинган. Диалог, ижро, кадрлар архитектураси, монтаж ритми,

сизга ўрнат бўлсин!" дейди.

— Студия ходимлари билан бўлган учрашувлар, савол-жавоблар давомида олган маълумотларим шу фотосуратга изоҳ беради, чамада, — дедим. — Фильм суратга олиниб, монтаж қилинган дастлабки нусханинг кўриги студияда бўлган. Шунда расмий доиралар: фильм бош қахрамонларнинг ҳалокати билан яқунлашни тўғри эмас, асар хотимасига оптимистик, тетик руҳ бағишлаш керак, деган фикрни билдирган. Кўп излашдан кейин кичкина эпизод режаси тузилиб, дарҳол суратга олинган. Раззоқ Ҳамроевнинг қахрамони тарихнавис Нозим ўзини ҳалок этган Тоҳирнинг ханжарини олиб, фильмининг бир неча эпизодида ошиқ-маъшуклар Қамар (Замира Жумабоева) ҳамда Қодир (Эсон Каримов)га кўтаринки руҳда топширади. Лаҳза давомида севги, садоқат, Ватан соғинчи ҳақидаги гапларни Нозим айтган... Қўхна афсонанинг руҳини, шоирона талқин йўлларини, драматик воқеаларнинг тадрижий ривожини билмай, табиий ниятнинг англамай туриб, баландрлароз гапларни сунъий равишда нафис бадий тўқиммага кириштириш ҳақидаги кўрсатмага Наби Ганиев қулоқ солмаган кўринида, шу "ўзбошимчалик" азобини тортган ҳам.

Муҳокамаларда айтилган, қатъий талаб тарзида гуруҳга етказилган айрим фикрлар (бизнингча, янглиш фикрлар) асарнинг улғувор поэтик руҳига, лирик-драматик воқеаларнинг изчил ифодасига таъсир кўрсатмади. Зухра ва Тоҳир болалик чоғларида кўғирчоқлар билан безатилган

Маданий алоқалар ТУРКИЯЛИК РЕЖИССЁР ЮРТИМИЗДА

Туркиялик таниқли режиссёр ва сценарийнавис Меҳмет Бўздағнинг номи ўзбек томошабинларига айни кунларда юртимиз телеэкранларида муваффақият билан намойиш этилаётган "Эртўғрул" тарихий сериали орқали яхши таниш. Бугунги кунда дунё бўйича икки ярим миллиарддан ортиқ томошабинни экран қаршисига михлаган мазкур сериалдан ташқари Меҳмет Бўздағнинг "Аскарнинг кутлуг зафари", "Юнус Эмро, ишқнинг йўли", "Қалб ўғриси", "Усталар, олимлар ва султонлар" каби қатор фильмлари ҳам мухлислар орасида машҳур. Бунинг асосий сабабларидан бири ижодкорнинг тарихни яхши билиши ва уни қадрлашида.

Кўни-кеча Маданият вазирлигининг мажлислари залида вазирлик ва Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжумани "Текден фильм" ва "Бўздағ фильм" бошқарув кенгаши раиси Меҳмет Бўздағ билан "Жалолитдин Мангуберди" фильмининг суратга олиш масалаларига бағишланди. Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзод Қудратхўжаев олиб борган тадбирда Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори Фурқат Зокиров ва бошқа масъул ходимлар, Туркиядан М.Бўздағдан ташқари "Simit Sarayı" бренди соҳибни, йирик тадбиркор-инвестор Холук Ўқутур, ресторанлар соҳасида тадбиркор-инвестор Умар Сайфи Ақтулун, Стратегик тафаккур институти Вазирлик кенгаши аъзоси Синан Товуқчи ва бошқалар қатнашди. Мазкур делегациянинг юртимизга таширф буюришидан асосий мақсад "Жалолитдин Мангуберди" тарихий фильмининг тасвирга олиш ишларида ҳамкорлик борасида музокара олиб боришдир.

Меҳмет Бўздағ журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жумладан, шундай деди: — Тарих инсоннинг дунёқарашини белгилайди. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган аждодлар таърибаси биз учун жуда муҳим. Ўзбекларда айнан шундай таъриба бор. Сиз Самарқанд ва Бухородек дурдоналарга эгасиз. Ўзим ҳам шу ерларни қўришни орзу қилиб юргандим. Юртнинг тарихини бутун дунёга тушунтириб бериш керак. Мен ёзувчи Одил Ёқубовнинг "Улғубек хазинаси" асарини яхши кўраман. Бу роман бутун ҳаётимни ўзгартирди юборди. Улғубек ва Али Қўшиқ образлари менда катта таассурот қолдирган. Бизга тарихий фильмлар борасида кўп таклифлар бўлди. Лекин ҳеч қайсиси бизни Жалолитдинчалик ҳаяжонлантормади. Ҳозирча танишиб, маслаҳатлашгани келди. Бу дунёни забт этадиган фильмлардан бири бўлишини истаб қоламан.

Ўз ахборотиниз

Маданият янгиликлари

МЕҲР ИЛА МУНАВВАР ОЛАМ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда "Ўзбек-концерт" давлат муассасаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Шаҳримизда ва вилоятларда жойлашган Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари таниқли санъаткорлар томонидан оталиққа олиндики, бу эзгу гоя замирида чинакам инсонпарварлик ўз ифодасини тошган, десак хато бўлмайди. Зеро, Навоий бобомиз айтганларидек, бир кўнгли синиқни хушнуд этмоқ, Қазбани тикламоқ билан баробардир. Аслида яшашдан мурод ҳам шу.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, хонанда Баҳром Назаров шаҳримиздаги Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурда бўлишди. Ҳар ойда ўтказиладиган бу учрашувлардан мақсад меҳр-мурувватга муштоқ кўнглиларга завқ, қувонч, шодлик улаштириш ҳамда у ерда ўсиб воғга етаётган болажонлар орасидан санъатга, мусиқага қизиқувчи истеъдод эгаларини кашф этиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериш, "маҳорат дарс"ларини ўтказиб, уларни санъат сирларидан хабардор қилишдир.

Кўни кеча шундай учрашувлардан бири Зомин туманидаги Ём қишлоғида жойлашган Мурувват уйида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ва қизқич Шукрулло Исроилов ўзларининг концерт дастурлари билан барчанинг кўнглини қувончга тўлдиришди. Учрашув сўнгига совғалар туҳфа этилди.

Эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ниятлар ила бошланган бу хайрли иш давом этади ва неча-неча кўнгилларга малҳам бўлади, деган умидламиз.

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси матбуот хизмати

ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган грантлар танлови истеъдодли ёшларни аниқлаш ва муносиб рағбатлантириш имконини берди. Вазирлик тизимидаги олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар ўртасида биринчи бор ташкил этилган ушбу танлов голибларини тақдирлаш маросими Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бўлиб ўтди.

— Танловда шитирок этиш жараёни биз учун ҳақиқий ижодий синовга айланди, — деди грант соҳибларидан бири, талаба Наргиза Абдуллажоновна. — Ўзим ҳам фортепиано ижрочилиги бўйича қимматли сабоқлар олдим. Саралаш босқичлари давомида ижодий имкониятларимизни намойиш этиш билан бирга, тест синовлари, устозлар билан суҳбатларда ҳам қатнашдик. Бу бизнинг маҳоратимизни ошириб, санъат ҳақидаги фикрларимизни чуқурлаштиришга ёрдам берди.

Бу йилдан бошлаб иқтидорли талабаларга грантлар ажратиш мунтазам йўлга қўйилди.

Ўз мухбиримиз

МАҲОРОТ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Бухоро вилояти бўлими, Бухоро санъат коллежи раҳбарияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Дилором Омоиллаева билан ижодий учрашув ҳамда маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Таниқли композитор йирик асарлар билан бирга, юздан ортиқ эстрада қўшиқлари, ботча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари учун эстрада услубида туркум қўшиқлар муаллифидир. "Мен сени ҳеч кимга бермаман", "Ёмғир ёғди", "Сен қайласан", "Тошкентим ягонадир", "Яшайвер, Ўзбекистон" каби кўплаб тароналари мухлислар қалбидан чуқур жой олган.

Композитор билан бўлган учрашувда ўқувчилар унинг мусиқа оламига кириб келиши, устозлари, талабалик давридаги турли қизқарқин воқеалар ҳақида маълумотга эга бўлишди. Суҳбат чоғида тингловчилар қалбидан мустаҳкам ўрин олган бир неча қўшиқларини муаллифнинг ўзи фортепианода чалиб, ижро этиб берди. Маҳорат дарсида устоз композиторлик, хонандалик борасида зарур маслаҳатлар бериб, "Эстрада хонандалиги", "Эстрада ва жаз вокалистлари" номли ўқув қўлланмаларини коллеж ижодий жамоасига туҳфа қилди.

Дилором ҚОДИРОВА

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ:

САМАРАЛИ ИЖОД ШАВҚИ



Таниқли режиссёр Динара Йўлдошева кўп йиллардан буюн Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театрида турли мавзудаги спектакллари муваффақиятли сахналаштириб келмоқда. Ўзбек кўғирчоқ театрининг "Гуғурт сотувчи қиз", "Яна Андерсон" каби спектакллари Халқаро фестивалларда муваффақият билан намойиш қилинган.

Москва шаҳридаги С.Образцов номидаги театрда бўлиб ўтган кўғирчоқ театрларининг IX Халқаро фестивали Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театри жамоасининг "Соя" спектакли билан очилди. Е.Шварц асари асосидаги мазкур спектаклни таниқли режиссёр Динара Йўлдошева сахналаштирган. "Соя" кўғирчоқ спектакли халқаро UNIMA вакиллари, фестиваль қатнашчилари, мутахассислар, турли мамлакатлардан ташриф буюрган журналистлар, Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ҳамда бошқа расмий идоралар ва томошабинларнинг давомли олқишларига сазовор бўлди. Россиянинг қатор телеканалларида ушбу спектаклдан лавҳалар режиссёрнинг интервьюси билан бирга намойиш этилди. "Соя" жаҳон кўғирчоқ театрлари ҳаётида катталар учун сахналаштирилган иккинчи спектакль бўлиб, юртимизда икки йилдан буюн томошабинлар эътиборидан тушмай келмоқда.

М.МИРЗАХЎЖАЕВА

Муҳаммад ШОДИЙ

БАҒРИ ҲАМ, ҚЎЛИ ҲАМ ОЧИҚ ИНСОН

Жаҳонга машҳур тадбиркор Алишер Усмонов портретига чизилар

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

Ботинида катта мақсад, инсоний ҳислатлари, ёруғ юксак фазилатлар мужассам бўлган инсонни ҳаёт синовлари, бахтсиз тасодифлар қанчалик сиқувга олмасин, қийнамасин у барибир ўзлигини буй-баста, асл борича юзига чиқаришга имкон топар экан. Шундай бўлди ҳам. Озодликка чиққандан кейин Алишер ўзи пухта ўрганган, яхши биладиган араб тилидан ўзбек ва рус тиллари-га матнлар таржима қилиб тирикчилигини юритди, собиқ иттифок Фанлар академиясининг Андижондаги Физика институти лабораториясида патентлар бўйича мутахассис бўлиб ишлади. Чет тилларини билгани бу ерда ҳам унга имкон туғдирди: хориждан келган сайёҳларни Фарғона водийси, Республика бўйлаб сайр қилдирилди. Бу ишлар қизиқарли, даромадли бўлса-да, барибир унинг ўзи ўйлаган, ўзига мос иш эмас эди. Шу боис, у изланишда давом этди, Москвага қайтиб бориб, Тинчликни ҳимоя қилиш совет кўмитасининг ташки иқтисодий алоқалар ассоциациясида ишлаб бошлади. Айни пайтда хусусий тадбиркорлик билан ҳам шуғулланди. Алишер Усмонов ўзининг дастлабки бизнесини политизилан пакетларини ишлаб чиқаришдан бошлади. 1987 йили у Россиядаги Раменский пластмасса заводи базасида "Агропласт" кооперативини ташкил қилди. Ўзидан қоникмаслик ҳисси, мақсад сари катта иштиёқ билан интилиши, малакасини муттасил ошириб бориши туфайли у аста-секин лавозимлар пиллапоясидан кўтарилла бошлади. 1990 йили "Интеркосмос" ёпиқ акционерлик жамияти бош директорининг биринчи муовини лавозимига ишлади. Сўнгра "Биринчи муастакл рус банки" директорлари Кенгаши таркибига кирди ва 1993 йили МАПО — Москва самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси банкининг ҳаммуассиси бўлди.

Ёшлигида қилинбозлик билан шуғулланган Алишер Усмонов спортни ҳам унутмайди. Таниқли тадбиркор 2007 йилдан бошлаб Англиянинг "Арсенал" футбол командаси акцияларини сотиб ола бошлади. 2009 йилга келиб эса унинг кўлида машҳур инглиз футбол жамоасининг 25 фоиз акцияси тўпланди. Шубҳасиз, ҳар қандай спортчи ўз устидан тинмай шуғулланмаса бирон-бир ютуққа эришиши даргумон. Бизнесда ҳам худди шундай: тадбиркор рақиблири билан курашиши, улардан ақли, чалдаст ва зўр бўлиши керак. Бу сифатлар Алишер Усмоновнинг бизнесдаги муваффақиятларининг асосий омилларидан бири десак, янглишмаймиз.

Шу ўринда сўнгги янгиликлардан бирига тўхталасак. Шу йил баҳорда Тошкентдаги "Ўзбекистон" халқаро форумлар саройида буюк киноактёр, режиссёр Чарли Чаплиннинг "Катта шаҳар чироқлари" фильми намойиши бўлиб ўтди. Жаҳон кинематографиясининг дурдонаси дея эътироф этилган бу

фильм Россия Миллий филармонияси оркестрининг бадий раҳбари, машҳур дирижёр Владимир Спивак раҳбарлигида янграган жонли мусиқа садолари остида намойиш этилди. Мазкур концерт дастури Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан Алишер Усмоновнинг "Санъат, фан ва спорт" жамғармаси томонидан ҳамкорликда ташкил қилинди. Мазкур фильм-концерт кино ва мусиқа санъатлари муҳлисларида катта таассурот уйғотди.

Хориждаги сармоядор юртдошларимизнинг бу каби эзгу ишлари барчамизнинг кўнглимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Уларнинг ишбилармонлиги, урдабонлиги, мақсадини аниқ қилиб унга, албатта, эришиши, айни пайтда, қўлининг очиклигию бағрикенглигига ҳавас қилсак арзийди. Гап шундаки, бугун улар ватани — Ўзбекистонга инвестиция қилишни хоҳлаётганда, она диёримизнинг янада обод ва кўркем бўлишига ўз ҳиссаларини қўлишига интилишатири. Хусусан, Тошкентдаги Ислол маданияти маркази қурилишига маблағ ажратиш нияти борлигини билдирган. Алишер Усмоновнинг моддий қўллаб-қувватлаши туфайли Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги ўн гектардан зиёдрок майдонда бутун бир замонавий сайёҳлик мажмуаси — сайилгоҳ қурилиши бошлаб юборилди. Янги туристик комплекс шаҳарнинг Ёлдузлов кўчаси ва "Кўҳна ва боқий Бухоро" мажмуаси оралигида барпо этилади. Унда миллий мейморчилик андозаларига хос меҳмонхоналар, маданияти, соғломлаштириш ва савдо-қўнғилочар марказлар қуриш режалаштирилган. Сайилгоҳда хорижий сайёҳларга улуқсиз хизмат кўрсатиш, уларнинг мароқли хордиқ чиқаришини тўла-тўқис таъминлаш кўзда тутилган. Мажмуа саҳнида турли шоулар, ўтмиш воқеалари акс эттирилган театрлаштирилган томошалар, фольклор ансамбллари, замонавий эстрада хонандалари чиқишлари, миллий либослар намойиши ва бошқа томошабоп тадбирлар ташкиллаштирилади. Шунингдек, турли тоифадаги сайёҳларга мўлжалланган меҳмонхоналар, рестороанлар, миллий совғалар дўконлари қурилиши режалаштирилган.

Ҳа, ҳиммати баланд, бағри ҳам қўлидек очик инсонларнинг мамлакатимиз фаровонлигига қўшаётган ҳиссалари уларнинг мол-мулкига қўт-барақа олиб киришига чин дилдан ишонамиз. Зеро, ота-боболаримиз бағрикенг одамнинг йўли ҳамиша очик, ойдин бўлишини бежиз таъкидлашмаган. Бунга ҳаётда мисоллар қўллаб топилади. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ёдимга тўшди.

...Телевидениеда бош муҳаррир бўлиб ишлаётган пайтим эди. Ходимимиз бир тўйдаги воқеани тасвирга туширган экан, кўрдик. Кишлоқдаги тўйхонанинг тўрида ўтирган келин билан кўёвга, уларни чеҳралари очиклигига, бахтиёрлигига, хурсандлигига қараб тўймайсан киши. Бир маҳал кўёвжўралардан бири уларнинг ички кел-

либ осмонга қараб мушак отади. Қийқирик, ҳамма хурсанд. Лекин шу лаҳзада кўёв ўтирган жойидан ағдарилиб тушади. Кейин маълум бўлишича, тепадаги электр симёғчанинг темир фонусига урилган мушак қайтиб, кўёвнинг юзига урилиб портлаган экан. Оғир жароҳат олган кўёвни касалхонага олиб кетишди. Шифокорларнинг ҳулосасига кўра, беморни шовилинч операция қилиш, сўнгра лат еган юзини, лабини, танглайини тиклаш, сунъий жағ ўрнатиш лозим экан. Операция учун эса катта маблағ керак. 90-йилларнинг боши, моддий қийинчиликлар пайти. Бирон нарсаси қилишга ожизмиз... Хуллас, ўша тасвирини эфирга бердик. Эртаси куни телефон қўнғироқларига жавоб беришдан қўлим бўшамади. Бир маҳал телефон гўшагини кўтарган эдим, нотаниш кишининг йўғон, сал хирриллаган овози баралла эшитилди. Салом-алик қилдим, йўқми, эслолмайман. "Кечаги кўрсатувни сизнинг редакциянгиз берганми?", деб сўради у ва тасдиқ жавобини олган: "Бизга кўёвнинг ҳисоб рақамини беринг, қанча маблағ кераклигини айтинг", деди. "Ҳозирча ҳисоб рақамини очганимиз йўқ, очилиши билан сизга маълум қиламиз. Телефонингизни берсангиз, хабар қиламиз, раҳмат сизга. Айтгандек, кимсиз, ўзингизни таништиринг", дедим мен. "Эртага ўзим қўнғироқ қиламан. Менга кўёвнинг банкдаги ҳисоб рақами билан операцияга қанча маблағ кераклигини айтсангиз бас, хайр", деди нотаниш киши. Мен ҳеч нима дея олмай қолдим. Бу қўнғироқдан телефон қўнғироғидан кўнглим зил кетди. Нотаниш кишининг ҳамдардлиги менда меҳр ва яна сўз билан тушунтириб бўлмайдиган хисларини уйғотди. Юракда кечирганим эса қалби уйғоқ, бедор бу ватандошимдан туйган гурур ва фахр туйғулари бўлди.

Уша нотаниш инсон энди турмуш қурмоқчи бўлиб турган ва қўнғироқдан, айни тўй пайтида бахтсиз ҳодисага учраб оғир жароҳат олган кўёвни ўз шахсий жамғармасидан маблағ ўтказиб ҳаётини, қолаверса, икки ёш ўртасидаги муҳаббатни сақлаб қолди. Менинг қайта-қайта сўрашимга қарамай у кимлигини айтмади, "ҳашиқлик қилиб сувага ташлади"... Уша телефондаги қисқа суҳбатимизга ҳам, мана, чорак аср бўлаётти.

Фурсатдан фойдаланган айтганим гапим шу: азиз нотаниш ҳамюрт, Сиз ўзингизнинг феълу атирингиз билан эзгу ишларга бош



қўшадиган чинакам мўмин-мусулмон, юксак ҳимматли одам экансиз. Сиз қилган катта хайрияни ҳамма ҳам қила олмайди. Илкони бор қилади. Лекин илкони борларнинг ҳам ҳар қандайи эмас, балки Сиздек қўли очик, нияти холис, меҳри баланд инсонларга хос эзгу амал бу. Ҳа, хайр қилгани Аллоҳ ҳам хуш кўради, дейдилар. Катта хайрларга жазм этган инсонга етадиган савоб ҳам катта бўлади, деган гап бор.

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Мен юқорида ҳикоя қилган нотаниш кишини, ҳеч иккиланмай, замонамиз қаҳрамонлари сирасидан, дегим келади. Бугунги кун қаҳрамонлари орасида ўшандай ишбилармон, тадбиркор, бизнесменлар йўқ дейсизми? Қанийди, адабиётда, публицистикада, ҳужжатли, бадий кино ва телесериалларда шундай инсонларнинг ҳаёти, фаолияти, ҳимматию эзгу амаллари ҳақида ҳикоя қиладиган асарлар яратилса.

Хосиятли инсонлар элга, юртга яхшилик, тўқинчилик, бахт келтиради, дейди ҳамюртимиш. Бунга ҳаётимиздан қўллаб далиллар келтириш мумкин. Мана, энг сўнгги маълумот. Ўзбекистон 2018 йилнинг иккинчи чорагида жалб қилинган сармоялар ҳажми бўйича МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Евроосий тараққиёт банкининг маълумотиға қараганда, бу муддатда Республикаимиз иқтисодиётига 1,24 миллиард доллар ёки 51 фоиз сармоя жалб этилган. Сармоя ҳажми бўйича Россия иккинчи ўринда. Унинг умумий молияланиши 33 фоиз. Қолган МДХ давлатларининг молияланиш ҳажми 16 фоизни ташкил этади. Бундай ютуқлар Ватан истиқбол порлоқ эканидан далолат беради. Бизга ватандош, замондош бўлган жаҳонга машҳур ишбилармон, тадбиркор инсонларнинг мамлакатимиз тараққиётининг ойдан йўлидаги ҳамкор, ҳамқадамлиги ишончимизга ишонч, кучимизга куч қўшади.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

Тахририят

Муҳтарам ўқувчи, жаҳонга машҳур тадбиркор, ҳамюртимиш Алишер Усмонов ҳаёти ва фаолиятдан, қисқа бўлса-да, ибратли лавҳалардан баҳраманд бўлдингиз. Албатта, бундай олижаноб инсонлар ҳақида йирик полотнолик асарлар ҳам яратилади, фильмлар суратта олинади. Ўнг муҳими, шундай инсонларнинг борлиги, уларнинг аксарияти юртдошларимиз орасидан чиққанлигидир. Ана шуниси биз учун қадри.

ИВАН БУНИН “ТИЙРАМОХ”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жаҳон адабиётининг йирик намояндalarидан бири, атоқли рус шоири ва ёзувчиси, рус адаблари орасида адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотининг илк совриндори Иван Буниннинг ўзбек тилига ўтирилган, "Тийрамох" деб номланган ҳикоялари ва шеърлари жамланган китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий номидати Тошкент давлат тили ва адабиёти университетини талабалари, профессор ва ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт муҳлислари иштирок этди.

Ижод чаманида

улуғ аждолимиз — буюк давлат арбоби ва музаффар саркарда, моҳир дипломат ва бунёдкор зот, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур ҳақида яратган сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш гоёт долзарб вазифа, — дейди тўпламни нашрга тайёрлаган, мазкур анжуманда иштирок этиб, китобхонлар билан ўз қарашларини баҳам кўрган академик Акмал Саидов. — Истиқлолнинг ўтган чорак асрлик даврида ўзбек китобхони айни шу мавзуда қалам тебратган Фарб адабиёти намояндalarидан — Кристофер Марло, Георг Гендел, Йоханн Вольфганг Гёте, Элгар Аллан По, Хилда Хуксем, Хорхе Луис Борхес, Люсьен Керен каби адабларнинг асарлари билан танишиш имконига эга бўлди. Атоқли рус шоири ва ёзувчиси Иван Бунин жаҳон адабиётининг ана шундай йирик вакиллари билан бирдир.

Тадбирда сўзга чиққан олимлар, ёзувчи ва шоирлар Иван Бунин ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирдилар, унинг асарларида Шарқ маданиятига бўлган ҳурмат ва эътиборни эътироф этидилар. Таржимонлар шоир ижодидан намуналар ўқидилар. И.Буниннинг "Тийрамох" китобида киритилган ҳикоя ва шеърларини Абдулла Шер, Ортиқбой Абдуллаев, Умид Али, Дилдора Алиева, Гулом Мирзо, Турсун Али, Сирожишдин Рауф таржима қилишган. Тақдимот сўнгида таржима масалалари ҳақида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди.

"DAVR PRESS" НМУда жорий йилда чоп этилган "Тийрамох" китоби академик Акмал Саидовнинг "Иван Бунин ижод чаманидан нажиб гулдаста" сарлавҳали сўзбоши билан очилади. Масъул муҳаррир: академик Бахтиёр Назаров.

Ўз муҳбиримиз

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Санкт-Петербург шаҳридаги "Дустлик уйи" кўргазмалар залыда ижод услуби бир-биридан кескин фарқланадиган икки ўзбек рассомининг асарлари намойишга қўйилди. Улар ёш жашадан ҳам, ҳаётини тажриба жашадан ҳам, дунёни ангаша, оқоликка турлича ёндашиши билан ҳам фарқланади.

Назokat Қосимова Камолитдин Беҳзод номидати Миллий рассомлик ва дизайн институтини тугатган, Санкт-Петербург давлат университетидати санъат йўналиши бўйича магистратурада ўқиди. Уни битирган, шу йили университет аспирантурасига қабул қилинди. Назokat магистрлик ишлайёқ дунёга машҳур Эрмитаж ҳазинасида сақланаётган Шарқий Туркистондан топилган буддавийлар гор-ибодатхонаси деворларига ишланган суратларни ўрганиб, уларни тиклаш усулларини ишлаб чиқди. Минг йиллар давомида сақланиб бугунги авлодга етиб келган ноёб чизмалар унинг мўйқалами ёрдамида қайта тикланади. Эрмитаж илмий жамоаси бу ноёб қобилиятни муносиб баҳолаб, ёш ўзбек қизини монументал тасвирларни реставрация қилиш илмий лабораториясига ишга таклиф этди. Бугун Назokat жаҳон санъати дурдоналари, бебаҳо тарихий обидалардаги чизмалар сақланадиган ҳазинада амалий фаолият билан бирга илмий талқикотини ҳам давом эттиратти.

Н.Қосимова, аввало, икхилорли рассом. Айнақса, портрет жанрида ишлашни ёқтиради. Инсон ички дунёсини беғубор рангларда, лекин турли руҳий ҳолатлар жараёнида очиб бера олади.

— Мен қаҳрамонимдаги умидворликни ёқтираман, — дейди Назokat. — Умид — бахт ва доимий кўтиришнинг қалити. У юракка қувват беради, одамни интилишга, курашишга чорлайди.

Ёш рассомнинг ижодий ишлари бугунгача Ўзбекистон, Россия ва Германиядаги кўргазмаларда намойиш этилиб, муносиб тақдирланган. "Шу қуларда Германиядан бир неча китобларга сурат ишлаб бериш таклифини олдим, — дейди Назokat. — Олинди Берлинда ўтадиган халқаро китоб кўргазмаси турибди".

— Назokat одамни тийрак нигоҳ билан кўради. Унинг асарларидаги оддийлик инсонни улуғлашга хизмат қилади, унга берилган умр барча неъматлардан юқори тури-



шини фалсафий нуқтаи назардан ифодалайди, — дейди россиялик журналист ва санъатшунос Нина Новикова.

Яна бир юртдошимиз Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Муродилло Дониёровнинг намойишга қўйилган 40 та рангтасвир сурати кўргазманинг очилиш маросимида қатнашган рассом ва мутахассисларни хайратта солди. Табиат, еру осмон мутлақо янгича ёндашув, жозибали рангларда тасвирланган. Улардаги ҳар бир детал, у хоҳ қуёш нури бўлсин, хоҳ гул барглари ёки мовий осмондаги булут парчасими, рассомнинг ички кечинмалари, руҳияти ҳамда кайфияти инъикоси тарзида акс этган.

Асли самарқандлик бўлган Муродилло Дониёров узоқ йиллардан бундан Санкт-Петербургда яшайди. Аммо унинг уй-халёи Ватанида. Ижодининг салмоқли қисмида юрт соғинчи туйғуси устун туради.

— Биз ҳаётни тасвирлашда кўпроқ тўқ ранглардан фойдаланамиз, — дейди россиялик машҳур рассом Валерий Илюшкин. — Қора бўёқни ҳар бир картинаимиз лейтмотивида учратасиз. Лекин Муродилло ҳаётни ёрқин

ТИЛ – ЭЛ, МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Бошланиши иккинчи саҳифада.

Собиқ шўро даврида айрим исмлар "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома"га хато ёзилаверган. Бу борада таниқли олим Эрнст Бегматовнинг "Ўзбек исмлари" китобида қуйидагича ёзилган: "Туғилганлик гувоҳномаларида, паспортлар ва бошқа хил расмий ҳужжатларда анъанавий шаклларда расмийлашган ёки хато ёзилган исм-шарифлар анчагина. ...Исм-шарифлар билан алоқадор муаммоларнинг хал бўлиши кўп жихатдан "Бахт уйлари", кишлоқ кенгашлари йиғинлари ва паспорт бўлимларида номларни расмий ҳужжатларда қайд қилувчи кишиларнинг мутахассислик малакаси ва имловий савиясига боғлиқ. Улар фуқароларнинг исми шарифларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда оқилона иш туттишлари, ўз шахсий мулоҳазаларига ёки баъзи нотўғри маълумотларга ёпишиб олмасликлари лозим". Афсуски, ҳозир ҳам айрим жойларда янги туғилган чақалоқларнинг илк "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома"сига уларнинг исми-фамилияларини ёзишда, аввало, ота-онасининг паспортларидан (имловий хатолари билан) айнан кўчирган ҳолда ёзмоқдалар. Ахир, ҳар кун юртимизда минглаб ўғил-қизларга "Туғилганлик ҳақида гувоҳ-



нома" берилмоқда. Ўша ҳужжатга қараб "Фуқаролик паспорти", "Ўрта маълумот тўғрисида шаходатнома", "Никоҳ қоғози" ва бошқа ҳужжатлар ёзилади-ку. Бошида хато ёзилган исм-фамилия ҳужжатдан ҳужжатга кўчиб ўтаверади.

Бундай нозик муаммони ижобий ҳал этиш учун ҳуқуқий асослар етарли. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида шундай белгилаб қўйилган: "Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айни чоқда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади. Исмлар, ота исми ва фамилияларини ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади".

Шу ўринда Гафур Абдумажидовнинг "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонунига шарҳлар" номли рисоласидаги қуйидаги фикр эътиборга молик: "Ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларида анъанавий, умум томонидан қабул қилинган ўзбек имлоси номларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: Жўраев, Ёргашев, аммо "Джураев", "Иргашев" эмас". "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексида" ҳам ҳар бир фуқаронинг бу борадаги қоний ҳақ-ҳуқуқлари етарли даражада қафолатланган.

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоиди

Ўзбекистон да жаҳон

рангларда, қуёш нурлари ёруғлигида, қувноқ оҳангда, енгил композицияларда тасвирлашни маъқул кўради. Очиги, мен бу кўргазмадан кейин ранг танлаш услубини қайта кўриб чиқишга қарор қилдим, шу вақтгача мусаффо қуёш нурига бурканган осмон бунчалар оҳорли тасвирланган картинани учратмагандим.

— Муродилло Дониёров асарларига бундай катта қизиқиш унинг кўргазмасини Россия Президентининг Санкт-Петербургдаги кутубхонасида ҳам намойиш этиш фикрига олиб келди, — дейди "Дустлик уйи" раҳбари Виктор Михайленко. — Биз бу борада тайёргарликни бошлаб юбордик.

Ҳар икки ўзбек рассоми ижодий кўргазмасининг очилиш Санкт-Петербург маданий ҳаётида воқеа бўлди. Таниқли рассомлар, санъатшунос мутахассислар муаллифлигида уларнинг ижоди юқори баҳоланган мақолалар оммавий ахборот воситаларида чоп этилмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

Санкт-Петербург

ЭЪЛОН

2018 йил 23 октябрь куни соат 15:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиб, "Дустлик" ордени соҳиби Хайдар Муҳаммаднинг "Табассум Шоший айтган ҳангомалар" китоби тақдими бўлиб ўтади.

Тадбирда уюшма аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ҳамда ёшлар иштирок этади. Барча қизиқувчиларни тадбирга таклиф этамиз.

Газетанинг навбатдаги сони 2 ноябрь куни чиқади.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.и.қ.р.лари.ш.з.
**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙИ
АКАДЕМИЯСИ**
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

**Бош
муҳаррир**
**Ўқтам
МИРЗАЁР**

Тахририятга келган қўғазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.15

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5851. Буюртма Г — 1082. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВАД НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

